

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ  
НАВОЙ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ  
НАВОЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ  
ЭНЕРГО-МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ КАФЕДРАСИ

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ  
**фанидан**

**5310200-Электр энергетикаси йўналиши  
талабалари учун тажриба ишларини бажаришга  
оид услубий қўлланма**



НАВОЙ -2016 йил.

Тузувчилар: Доц.Шайматов Б.Х., асс.Холмурадов М.Б

«ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАР» фанидан услубий қўлланма Доц.Шайматов Б.Х., асс.Холмурадов М.Б. Навоий: НДКИ, 2016 й. 54 бет.

«Электр таъминоти тизимида электр тармоқлари» фанидан тажриба ишларини бажариш учун услубий қўлланма. Услубий қўлланма «Электр таъминоти тизимида электр тармоқлари» фанининг асосий бўлимларини ўз ичига оловчи тажриба ишлари учун ёзилган.

Тажриба ишларини ўзгарувчан ва ўзгармас ток ҳисоблаш столларида бажарилади. Уларни бажарилиши талабаларда очик ва берк ҳақиқий тармоқларда содир бўладиган жараёнлар тўғрисида аниқ маълумот яратади ва электр тармоғи ҳолатларини ҳисоблаш билимларини оширади.

Ушбу услубий қўлланма «Электрэнергетикаси» йўналишидаги «Электр таъминоти тизимида электр тармоқлар» фанидан ўқув режага мос ҳолда тажриба машғулотлари асосида яратилган бўлиб, унда тажриба машғулотларни бажариш ҳамда ўрганиш бўйича электр энергетика таълим йўналиши талabalари учун тавсия этилади.

Такризчилар:

Ойназаров Э. Жанубий-тарбий магистрал электр тармоқларига қарашли Навоий терреториал юқори кучланишли тармоқнинг етакчи мухандиси

Эшмуродов Э.О. Автоматлаштирилган  
бошқарув ва информацион  
технологиялар кафедраси доценти.

## КИРИШ

“Электр таъминоти тизимида электр тармоклар” фани бўйича тузилган ушбу услубий қўлланма ДТС талаблари асосида тузилган. Республикаизда иқтисодий ислоҳатларни янада чукурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишида малакали мутахассисларни тайёрлашга зарурият катта. Шунинг учун, ушбу фанни ўқитишдан мақсад -замонавий электр тармоқларини ўрганиш, ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари бўйича йуналиш профилига мос, таълим стандартида талаб қилинган билимлар, кўникмалар ва тажрибалар даражасини таъминлашдир.

Ушбу фанни ўрганишнинг асосий вазифалари: электр тармоқлар параметрларини аниқлаш услубларини, тармоқлар иш тартибларини, улардаги қувват ва энергия исрофларини ҳисоблашни, элементларни танлашни, жумладан, тармоқларнинг ишончлигини ва энергия сифатини ошириш методларини талабалар ўзлаштиришидир.

Билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш учун талабалар қўйдагиларни ўзлаштириш лозим: электр системаси ва тармоқлари, уларнинг турлари, ҳаво линияси, кабел ва трансформатор элементлари, кучланишни пасайиши ва йўқотилиши, электр тармоқларини ҳисоблаш усуслари, электр узатиш линияларида ва трансформаторларда қувват ва энергия исрофлари, ёпик электр тармоқларини ҳисоблаш, электр энергиясини сифати ва уни бошқариш, электр тармоқларини лойиҳалаш элементлари, техник-иктисодий ҳисоблар, сим ва кабелларнинг кесим юзасини танлаш.

Ушбу фан талабага юқоридаги вазифаларни бажариш учун зарурий билимларни беради. Шунинг учун ушбу фан электр энергетиканинг асосий фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажralmas бўгинидир.

Талабалар «Электр таъминоти тизимида электр тармоқлар» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илгор ва замонавий усусларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Тажриба ишларни бажаришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ва макетлардан фойдалинилади.

**1 - ТАЖРИБА ИШИ**  
**ЭЛЕКТР СИСТЕМАСИННИГ ЎЗГАРМАС ТОК МОДЕЛИ (ҲИСОБЛАШ СТОЛИ).**  
**ШАХОБЧАЛАНГАН МАХАЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҒИНИНГ ИШ ҲОЛАТЛАРНДА**  
**ҚУВВАТ ОҚИМИ ТАҚСИМЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ.**

**Тажриба ишининг мақсади**

Ўзгармас ток ҳисоблаш столида электр системаларини моделлаштириш билимини эгаллаш ва шу модель ёрдамида шахобчаланган махаллий электр тармоғида қувват оқимини аниклаш услубларини ўзлаштиришдан иборат.

**Ҳисоблаш столининг вазифаси ва тузилиши.**

Ўзгармас токда ишловчи ҳисоблаш столи (уч фазали ва носимметрик) қисқа туташувдаги токларни, носинхрон уланишдаги токларни ва ҳар кандай мураккаб тузилган электр системасида қувват (ток) тақсимлашини ҳисоблаш вазифаларини бажаради.

Ҳисоблаш столида кўпи билан 120 та элементдан ташқил топтан электр тармоғининг ҳар хил моделларини маълум масштабда йиғиш мумкин (шулар ичидаги генераторлар, трансформаторлар, электр узатиш линиялари ва бошқалар). Система модели кучланишлар қиймати бир хил бўлган чексиз таъминлаш нуқталаридан иборат бўлиши мумкин ва зарурият туғилгандаги уларни бир-бираига боғлик бўлмаган холда ростлаш мумкин.

Ҳисоблаш столи қуйидаги асосий элементлардан ташқил топган (1-расм): таъминловчи манба, генератор моделлари, тугунларни йиғувчи калитлари бор улаш шнурлари, ўлчов асбоблари, актив қаршилик блоклари, трансфер шинчалари, қисқа туташув шнури.

Юқорида кўрсатилган элементларнинг уланиши ҳисоблаш столининг соддалаштирилган принципиал схемасида кўрсатилган (I- расм).

Столни электр энергия билан таъминлаш.кучланиш стобилизатори ва ярим ўтказгичли тўғирлагич орқали номинал кучланиши 250 В ва частотаси 50 Гц бўлган ўзгарувчан токда ишловчи бир турли тармоқ орқали амалга оширилади. Тўғирлагичдан ўзгармас ток, саклагач ва ўчиргич орқали, столни таъминловчи умумий шинчасига берилади.

Ўзгармас ток таъминлаш шинчасига 6 та ўчиргичлар орқали, ҳар бири кучланишни икки поғонада ўзгартирадиган потенциометрлардан иборат бўлган: қўпол - ҳар оралиқда 0,6 В дан ва аниқ - ҳар бир оралиқда бир текис ўзгарадиган 6 та генератор моделлари уланган. Шу сабабли, генератор моделларида 0 дан бошлаб таъминлаш шинчасининг умумий кучланишигача (12 В) бўлган ҳар кандай амалий кучланишни ростлаш мумкин. Икки поғонали потенциометрларни ҳисоблаш схемасишиш тугунларига улаш генератор шнурлари ёрдамида амалга оширилади. Занжирга ўлчовни чақиравчи кнопкasi бор, ўлчайдиган шунт уланган. Ҳар қайси генераторнинг шнури, пластмассали халқасида генераторнинг тартиби номери кўрсатилган.

Генератор шнурининг қаршилиги (бунга ўлчайдиган шунтнинг қаршилиги ҳам киради) I Ом га тент. Ҳар қайси генератор шнуридаги ток кучи ва кучланишини ўлчаш, чақиравчи кнопкалар босилган ҳолатдагина, мумкин.

Электр системасининг ҳисоблаш схемаси уловчи шнурлар орқали қаршилик блоклари ёрдамида йиғилади. Уловчи шнурларнинг бир қутбли вилкалари қаршилик блокларининг штепселли уяларига ўрнатилади. Ҳисоблаш столида 230 та уловчи шнурлар бор.

Ҳар қайси уловчи шнур занжирига ўлчовни чақиравчи кнопкasi бор (бу кнопканинг вазифаси, генератор шнурига тегишли ўлчовни чақиравчи кнопк-касининг вазифасига ўхшайди) ўлчайдиган шунт уланган бўлиб, у ҳам бир қутбли вилка билан тугайди.

Ўловчи шнурлар занжирига штепсел уялар уланган. Бу уялар генератор шнурларининг бир қутбли вилкаларини ёки қисқа тутатиш шнурини улаш учун керак бўлади. Подстанция ёки станция шиналарини тақлид қиласиган тармоқнинг тугунли нуқталарини моделда ташқил қилиш учун, уловчи шнур тугун ҳосил қилувчи калитлар билан

богланган. Тугун ҳосил қилувчи калитни 2 та муайян ҳолати мавжуд, бунда: ўчирилган ҳолатда оқ сирти, уланган ҳолатда эса - қора сирти кўринади.

Ўловчи шнурлар (яъни уларнинг бир қутбли вилкалари), уларнинг штепселли уялари, чақиравчи тугмалари ва тугун ҳосил қилувчи калитларнинг тартиб рақамлари бир хилдир. Тартиб рақамли N ва N+1 бўлган 2 та тугунли нуқтали (2 та штепселли уялар) улаш учун, N+1 рақамли тугун ҳосил қилувчи калитни кўшиб қўйилса кифоя. Масалан, 31, 32, 33, 34 рақамли шнурлардан шина ҳосил қилиш учун 32, 33, 34-калитлар уланса кифоя. 1ва121 калитлар бўш ҳолатдадир. Тугун ҳосил қилувчи калитдан бир қутбли вилкагача бўлган үловчи шнурнинг қаршилиги 0,5 Ом га teng.

Столнинг ҳар қайси ўлчов асбоби икки позицияли ва беш позицияли қайта улагичлар билан таъминланган. Икки позицияли қайта улагичларнинг кучланишини асбобнинг 30 В ли шкаласи буйича ўлчайди. (Бу стол таъминлаш манбасининг ва ўлчов асбобларининг ишга яроқлигини текшириш учун қилинади).

Икки позицияли қайта улагичларнинг юкори ҳолатида, асбоблар ўлчаш шиналарига уланади: операторнинг чап томонига жойлашган асбоб-вольтметр, ўнг томонидаги эсамиллиамперметр бўлиб хизмат қиласди. Асбобнинг ўлчаш чегараси унинг беш позицияли қайта улагичи билан ўрнатилади. Хамма генератор ва үловчи шнурларда бор бўлган ўлчовни чақиравчи кнопкалар ёрдамида үловчи шнурларнинг отпайкалари ўлчов шинчаларига уланади ва ҳисоблаш схемасининг ҳар бир элементидаги ток кучи ва кучланиш ўлчанади.

Электр системасининг берилган ҳисоблаш схемаси, ўлчовчи шнурлар ёрдамида, 120 та актив қаршилик блокларида қабул қилинган масштабда йифилади: бунда актив қаршилик блоклари электр тармоғини ҳосил қилувчи юкламалар ва злементларнинг (электр узатиш линияси, трансфармотор, генераторлар) қаршилигини таклид қиласди. Бу қаршилик блокларнинг ҳар бири тик чизиқ ва икки штепселли чиқиш уяси буйича ўрнатилган учта кетма-кет уланган декадлардан иборат. Битта қаршилик блокини ҳисоблаш схемасига улаш, қаршиликларининг йигиндиси I Ом га teng бўлган иккита үловчи шнурлар ёрдамида амалга оширилади. Лекин бу қиймат қаршилик блокларининг уяларига белги қўйилаётганда ҳисобга олинган. Шунинг учун агарда 100 Ом ли блокда масалан 60,5 Ом ни териш керак бўлса, юқори декадда-50, ўртасидагида-10, пасткисидагида эса-0.5 Ом ни улаш шнурларининг қаршилигини ҳисобга олмай ўрнатиш лозим. Шунга карамасдан схемани йигаётганда ҳар қайси генератор шнурунинг қаршилиги 1 Ом га тент деб ҳисобга олиш керак.

Актив қаршилик блокларида мумкин бўлган энг кўп токларнинг қиймати қуидагича:

$$100,0 \text{ Ом} - 200 \text{ mA} \quad 1000,0 \text{ Ом} - 30 \text{ mA} \quad 10000,0 \text{ Ом} - 8 \text{ mA}$$

Агар бир қанча қаршилик блокларини бир блокка бирлаштириш зарур бўлиб қолса, трансферли шинча қўлланилади. Схемани йигаётганда трансферли тугунчаларнинг (жуда камлиги туфайли) қаршилиги нолга teng деб олинади. Лекин бунда қаршилик блоклари билан трансферли тугунчаларни үловчи шнурларнинг қаршилиги (0,5 Ом) ҳисобга олиниши керак.

Генераторларнинг иккинчи потенциалини ҳисоблаш схемасига келтириш учун ишлатиладиган қисқа туташув шнури, манбанинг манфий тугунига уланган. Қисқа туташув шнури ҳам улаш шунтидан, чақиравчи кнопкасидан ва бир қутбли қизил вилкаси бор ўз шнуридан ташкил топган.

Ҳисоблаш схемаси тугунларидаги кучланишлар ўлчанаётганда, қисқа туташув шнурунинг қаршилиги ҳисоблаш схемасига киритилмайди ва моделлаш пайтида ҳисобга олинмаслиги мумкин.

## Назарний қисм

Электр тармоқларида қувватлар тақсимланишини аниқлаш учун бир неча, Кирхгоф қонунларини қўллашдан тортиб то инженер ҳисобларида соддалаш -тиришни мақсад қилиб қўйган, ҳар хил усуллар мавжуддир. Ҳар бир усул ҳисоблананаётган тармоқнинг турига қараб (унинг мураккаблиги, ташки кўриниши, контурлар ва тугунлар сони ва хоказолар )

күлланилади. Тармоқнинг боғланмаган контурлари ва тугунли нұқталари сони күп бўлганда, биргаликда ечиладиган тенгламалар сони кўпайиши натижасида, уни ҳисоблаш муракблашади.

Электр тармоқларида оқим тақсимланишини аниқлаш учун уларнинг физик ва математик моделларини кўлланилиши, ҳисоблаш учун кетган меҳнат сарфини кескин қисқартиради ва бундан ташқари кўпол аналитик ҳисобларда рўй берадиган хатоликларни йўқ қиласди.

Электр тармоқларининг моделини ўзгарувчан ток ҳисоблаш столларида, ҳамда рақамли ҳисоблаш машиналарида амалга ошириш мумкин.

Уч фазали токка мулжалланган шахобчаланган махаллий электр тармоқ -ларида қувват оқимини ва кучланиш йуқолишини ҳисоблашда ўзгарmas ток моделини қўллаш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

2-расмда бир нечта юкламалари бор уч фазали ток учун мўлжалланган шахобчаланган электр тармоғининг бир чизиқли (битта фаза учун) схемаси тасвирланган. У ерда, A, B, C нұқталар-пасайтирувчи подстанцияларнинг ўрнатилган жойи:  $S_A$ ,  $S_B$ ,  $S_C$  - подстанциялардаги юкламалар;  $S_{1\text{бosh}}$ ,  $S_{1\text{oxp}}$  -линияларнинг боши ва охиридаги тўла қувватлар, шунга кура, 1 чи, 2 чи, 3 чиларда;  $Z_1$ ,  $Z_2$ ,  $Z_3$  ва  $I_1$ ,  $I_2$ ,  $I_3$  - шунга мувофиқ, линияларнинг тўла қаршиликлари ва узунликлари.

Тармоқланган электр тармоғини ҳисоблаш, Крихгофнинг I чи ва Ом қонунлари асосида амалга оширилиши мумкин. Крихгофнинг I - қонунига асосан тармоқнинг тугунли нұқталари учун қуидагиларни ёзиш мумкин:

$$\begin{cases} \dot{S}_{1\text{oxp}} - \dot{S}_{2\text{бosh}} - \dot{S}_{3\text{бosh}} - \dot{S}_A = 0 \\ \dot{S}_{2\text{oxp}} - \dot{S}_B = 0 \\ \dot{S}_{3\text{oxp}} - \dot{S}_C = 0 \end{cases} \quad (1)$$

ёки

$$(1') \begin{cases} P_{1\text{oxp}} - P_{2\text{бosh}} - P_{3\text{бosh}} - P_A = 0 \\ P_{2\text{oxp}} - P_B = 0 \\ P_{3\text{oxp}} - P_C = 0 \end{cases} \quad (1'') \begin{cases} Q_{1\text{oxp}} - Q_{2\text{бosh}} - Q_{3\text{бosh}} - Q_A = 0 \\ Q_{2\text{oxp}} - Q_B = 0 \\ Q_{3\text{oxp}} - Q_C = 0 \end{cases}$$

бу ерда  $S_i\text{ бosh} = P_i\text{ бosh} + jQ_i\text{ бosh}$ ;  $S_i\text{ oxp} = P_i\text{ oxp} + jQ_i\text{ oxp}$  линиянинг актив ва реактив қувватлари.

Тармоқларнинг i - нчи линиясида кучланишнинг пасайиши Ом қонуни бўйича аниқланади.

$$\Delta U_i = I_i \cdot Z_i = \Delta U_i + j\delta U$$

бу ерда -  $\dot{I}_i$  - линиядаги ток комплекси;

$\Delta U_i$ ;  $\delta U$ - линиядаги чизиқли кучланишни пасайишини бўйламасига, кўндалангига таркибий қисмлари.

Махаллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ҳисобланаётганда кўпинча линиялар охиридаги кучланишлар кучланишни пасайиши билан эмас, балки кучланишни йўқолиши билан аниқланади деган соддалаштириш киритиш лозим. Кучланишнинг йўқолиши, тахминан кучланиш пасайишини бўйламасига таркибий қисмига teng ва махаллий «i» - линия учун керакли аниқликда қуидаги ифодадан аниқланади:

$$\Delta U_i = \frac{P_{i\text{oxp}} R_i + Q_{i\text{oxp}} Z_i}{U}$$

Кўрилаётган тармоқ учун (1') ва (1'') тенгламаларга ўхшатиб шундай ёзиш мумкин ( 2-расмга қаранг)

$$(2') \begin{cases} \Delta U_1' = P_{1\text{oxp}} \cdot R_1 / U \\ \Delta U_2' = P_{2\text{oxp}} \cdot R_2 / U \\ \Delta U_3' = P_{3\text{oxp}} \cdot R_3 / U \end{cases} \quad (2'') \begin{cases} \Delta U_1'' = Q_{1\text{oxp}} \cdot X_1 / U \\ \Delta U_2'' = Q_{2\text{oxp}} \cdot X_2 / U \\ \Delta U_3'' = Q_{3\text{oxp}} \cdot X_3 / U \end{cases}$$

буерда U- линиядаги номинал кучланиш,  $R_i$  ва  $X_i$  - і линиясини актив ва реактив қаршиликлари.

Шунга асосан, ўрганилаётган тармоқнинг линиялари учун (2 расмга қаранг) , (1 ) ва (2) тенгламалардан шундай хулоса келиб чиқадики, оқим тақсимланиши ва кучланиш йўқолиши аниқланниётганда битта бир фазали тармоқ ўрнига иккита бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, бунда биринчиси факат актив юкламалар билан, иккинчиси эса фақат реактив юкламалар билан юкландган. (I , 2 тенгламалар системасига қаранг ) тармоқларни кўриб чиқиш мумкин. Уларнинг ҳар бири учун қувватлар тақсимланиши ва кучланишининг йўқолган қисмининг таркиблари аниқланади, сўнгра эса хақиқий тармоқнинг алоҳида участкаларидағи тўла қувватлари, шу участкадаги актив ва реактив қувватларни геометрик қўшиш йули билан ( $S_i = P_i + Q_i$ ), кучланиш йўқолган қисмини таркибларини арифметик қўшиш йули билан аниқланади. (  $\Delta U_i = \Delta U_i' + \Delta U_i''$  )

Тармоқларни мана шу усулда, яъни ҳар хил юкламали иккита бир-бирига боғлиқ бўлмаган тармоқларга ажратиб ҳисоблаш, тармоқни бўлиш усули дейилади.

Тармоқ бўлинаётганда, комплекс қийматли тенгламалар системаси, номаълумлар сонига тенг бўлган иккита бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, лекин фақат моддий қийматларни ўз ичига олган системалар билан алмаштирилади. Бу эса тенгламаларни ечаётганда ҳисоблаш ишини анча қисқартиради.

Тенглиқдаги ҳар бир ( 1') ва ( 1") тенгламаларни

катталикка бўлиб ва ( 2' , 2") тенгламалар системасини эътиборга олиб, қуйдагиларни оламиз.

$$\frac{P_{iox}}{U} = I_{ia} \cdot \sqrt{3} \quad \frac{Q_{iox}}{U} = I_{ip} \cdot \sqrt{3}$$

$$(3') \left\{ \begin{array}{l} \sum_A I_{ia} = 0 \\ \sum_B I_{ia} = 0 \\ \sum_C I_{ia} = 0 \end{array} \right. \quad (3'') \left\{ \begin{array}{l} \sum_A I_{ia} = 0 \\ \sum_B I_{ia} = 0 \\ \sum_C I_{ia} = 0 \end{array} \right.$$

$$(4') \left\{ \begin{array}{l} \frac{\Delta U_1'}{\sqrt{3}} = I_{1a} \cdot R_1 \\ \frac{\Delta U_2'}{\sqrt{3}} = I_{2a} \cdot R_2 \\ \frac{\Delta U_3'}{\sqrt{3}} = I_{2a} \cdot R_2 \end{array} \right. \quad (4'') \left\{ \begin{array}{l} \frac{\Delta U_1''}{\sqrt{3}} = I_{1p} \cdot x_1 \\ \frac{\Delta U_2''}{\sqrt{3}} = I_{2p} \cdot x_2 \\ \frac{\Delta U_3''}{\sqrt{3}} = I_{3p} \cdot x_3 \end{array} \right.$$

бу ерда  $I_{ia}$  ва  $I_{ip}$  - линиядаги токнинг актив ва реактив таркибий қисмлари.

Ўзгармас ток тармоқлари учун (3-расмга қара) Крихгофнинг I чи (A,B,C тугунли нуқталардаги токлар учун ) ва Ом ( $R_1 , R_2 , R_3$  қаршиликлардаги кучланиш пасайиши учун) қонунларига асосланиб тузилган тенгламалар системасининг кўриниши, агар бундай тармоқнинг участкаларидағи токларга  $I_{ia}$  ( $I_{ip}$ ) пропорционал мос бўлса, (3 ) ва ( 4 ) тенгламалар системасига ўхшаш бўлади.

Тенгламалар системасининг бу ўхшашлиги, шахобчаланган махаллий тармоқ линияларида ўзгармас ток моделларини, ўзгарувчан токнинг актив ва реактив таркибларини ва кучланишини йўқолишини амалдаги қийматларини аниқлаш учун кўлланилади.

Актив ва реактив токларнинг таркибий қисмлари ва кучланиш йўқолиши аниқланнаётганда, ўзгарувчан токли хақиқий тармоқнинг бир чизиқли схемасининг кўринишига ўхшаш ўзгармас ток схемаси йиғилади (3-расм) ; Линияларни тақлид, қилувчи моделнинг актив қаршиликлари линиялардаги симларнинг хилига ва уларнинг узунлигига қараб аниқланади:

$$R_{ia} = r_i \cdot l_i$$

$$R_{ip} = x_i \cdot l_i$$

бу ерда  $r_i , x_i$  I линиясининг актив ва реактив солиштирма қаршиликлари.

Юкламалар модельда қаршиликлар ёрдамида тақлид қилинади, шунингдек ҳисобланётган системанинг тегишли тугунларига уланади.

Электр станцияси потенциометр ёрдамида тақлид қилинади. бунда потенциометрнинг мусбат потенциали сурилгич ёрдамида тармоқ схемасининг I-тугунига юборилади (3-расм).

Юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларининг иккинчи учлари умумий тугунга йиғилади ва қисқа туташув шнури орқали модельнинг манфий шинасига уланади. Бу шинанинг потенциали модельда уч фазали симметрик ўзгарувчан ток системасининг ноль нуктаси (бетараф нуктаси) га тўғри келади.

Тармоқ линияларидаги токларнинг актив таркибий қисми аниқланётганда, юкламаларни тақлид қилаётган қаршиликларнинг қийматларини шундай танлаш керакки, улардан оқиб ўтаётган токлар актив юкламаларга мос бўлсин. Бу ҳолда, линияларни тақлид қилаётган қаршиликлардаги ўрнатилган токлар ҳақиқий тармоқнинг тегишли участкаларидаги токларнинг актив таркибий қисмiga мос бўлади, бу қаршиликлардаги кучланишнинг пасайиши эса кучланишнинг йўқолган таркибий қисмiga мос бўлади. Уларни ўлчов асбоблари ёрдамида ўлчаш мумкин.

Токларнинг реактив таркибий қисмiga ва кучланишнинг йўқолган таркибий қисмiga мос катталиклар ҳам шунга ўхшаб аниқланади; бу ҳолда реактив юкламаларга мос токлар модельда ўрнатилиши керак.

Ҳақиқий тармоқнинг тугунли нуктасидаги кучланиш, станциядаги кучланишдан линияда кучланишни йўқолган таркибий қисмини айриш йули билан аниқланади. Масалан, А нуктадаги (2-расмга қара) кучланиш қуидагича аниқланади:

$$U_A = U_i - \sqrt{3} \left( \frac{\Delta U'_1}{\sqrt{3}} + \frac{\Delta U''_1}{\sqrt{3}} \right)$$

Моделда олинган кучланишларнинг, токларни актив ва реактив таркибий қисмларининг қийматлари орқали ҳақиқий тармоқ линияларида қувватларни тақсимланишини аниқланади:

$$\begin{aligned} P_{i\text{bo}} &= \sqrt{3} U_{i\text{bo}} \cdot I_{ia} & Q_{i\text{bo}} &= \sqrt{3} U_{i\text{bo}} \cdot I_{ip} \\ P_{i\text{ox}} &= \sqrt{3} U_{i\text{ox}} \cdot I_{ia} & Q_{i\text{ox}} &= \sqrt{3} U_{i\text{ox}} \cdot I_{ip} \end{aligned}$$

Бунда ҳам  $i$  — линиядаги исроф бўлган актив ва реактив қувватлар қийматини қуидаги тенглиқдан аниқлаш мумкин:

#### Топшириқ

1. Тажриба ишининг баёнини, кўрсатилган адабиётни ҳамда ўзгармас ток столининг баёнини ўрганиб чиқинг
2. Ўзгармас ток столида йиғиш учун берилган тармоқнинг модельдаги ҳисоблаш схемасини тузинг.
3. Моделлаш масштабларини танланг, линия ва юкламаларни тақлид қилаётган қаршиликларнинг қийматини ҳисобланг.
4. Тажриба натижаларни ёзиш учун жадвалларнинг тегишли шаклини тайёрланг.
5. Текширув саволларига жавоб беринг.
6. Берилган тармоқнинг модельдаги схемасини ҳисоблаш столида йифинг ва оқим тақсимланишини, кучланиш йўқолишини ва қувват исрофини аниқланг.

### Электр системаси моделининг ҳисоблаш системасини тузиш

Моделшшг ҳисоблаш схемасини олиш учун тармоқнинг берилган вариантини принципиал схемасини тузишдан бошлаш кўлайдир. 4-расмда мисол учун илгари кўрилган тармоқнинг принципиал схемаси (2-расм) кўрсатилган. Сўнгра принципиал схема ёрдамида маҳаллий электр таъминлаш тармоғининг алмаштирув схемаси (5-расм) тузилади ва бу схемани эса бўлиш усулига асосан 2 та актив ва реактив юкламалар билан юкланган (6 а, б-расмлар) схемалар ҳолатида кўрсатилади. Моделнинг сўнги ҳисоблаш схемаси, 6 а (6 б)-расмлардаги схемалардан  $P_A, P_B, P_C, (Q_A, Q_B, Q_C)$  истеъмолчилар юкламаларини  $R_{Aa}, R_{Ba}, R_{Ca}, (R_{Ap}, R_{Bp}, R_{Cp})$  актив қаршиликлар билан алмаштириш йули билан олинади. Шунингдек,

реактив юкламали схемада линияларнинг  $X_1$ ,  $X_2$ ,  $X_3$  индуктив қаршиликлари ўзининг индуктив қийматларига тент бўлган ( $R_{1p} = X_1$   $R_{2p} = X_2$   $R_{3p} = X_3$ )  $R_{1p}$   $R_{2p}$   $R_{3p}$  актив қаршиликлар билан кўрсатилади. Мана шу йул билан тузилган моделнинг ҳисоблаш схемаси 7-расмда кўрсатилган, унда реактив юкламалар пайтидаги элементларнинг белгилари қавс ичидаги берилган.

Кейин схеманинг тугун равишда уланган жойлари белгилаб чиқилди. Бунинг учун, берилган шинадан (тугундан) чикаётган ҳамма линиялар тартиб буйича белгиланган. Шу билан бирга, аввалги шинада қўлланилган энг катта белги билан кейинги шинада қўлланилаётган энг кичик белги орсидан камида битта бўш белги қолдирилади; 7-расмда кўрсатилган белгилар айлана ичига олинган. Юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларнинг ( $R_A$   $R_B$   $R_C$ ) бўш учлари умумий тугунга йифилади ва қисқа туташув шнури ёрдамида модел генераторининг 2-чи (манфий) потенциалига уланади; қаршиликларнинг бу учлари ҳам тартиб бўйича белгиланади (7-расмга қара).

## Ишни бажариш тартиби

1. Берилган тармоқ учун линияларнинг актив ва реактив каршиликларини ҳисобланг. Ҳисоблаш учун керак бўлган линияларнинг солиштирма қаршиликлари ( $r_i$ ,  $x_i$ ) 1.5 жадвалда келтирилган, ҳисоб натижаларни 1.1 жадвалга киритинг.

2. Истеъмолчиларнинг берилган қувватларини асосида актив ва реактив юклама токларини ҳисобланг.

$$I_{ia} = \frac{P_i}{\sqrt{3}U} \left[ \frac{\kappa B m}{\kappa B} = A \right] , \quad I_{ip} = \frac{Q_i}{\sqrt{3}U} \left[ \frac{\kappa B a p}{\kappa B} = A \right]$$

Ҳисоб натижаларини 1.2 жадвалига киритинг.

3. Ток буйича масштаб коэффициентини  $m_i = I_{A,B,C} / I_{\text{mod}}$  шундай танлангки, моделлаш учун ишлатилаётган ҳар бир блоклардаги ток юқорида келтирилган (столнинг баёнига қаранг) мумкин бўлган токнинг энг катта қийматидан ошмасин.  $m_i$  коэффициентни танлаётгандан, модел токи  $I_{\text{mod}}$  ни қаршилик блоклари моделида мумкин бўлган энг кичик токка teng деб олиш лозим; масалан, моделда линия учун 100 Ом ли қаршиликлар блоки ва истеъмолчилар учун 1000 Ом ли қаршиликлар блоки ишлатилса, мумкин бўлган токларнинг икки қийматидан

( $I_{\text{мум}100}=200\text{mA}$   $I_{\text{мум}1000}=30\text{mA}$ ) кичигини, яъни  $I_{\text{mod}} = I_{\text{мум}1000}=30\text{mA}$  ни танлаб оламиз. Хақиқий ток сифатида, истеъмолчилар токларнинг энг каттасини олиш керак, у эса ҳам актив ҳам реактив ток бўлиши мумкин. Шундай қилиб

$$m_i = \frac{I_{\text{макс}}}{I_{\text{мум .мин}}} \left[ \frac{\text{mA}}{\text{mA}} \right]$$

Қўлайлик учун,  $m_i$  коэффициентининг ҳисобланган қийматини яхлитлаш лозим.

4. Юкламаларнинг ҳисобланган актив ва реактив токлари ва ток буйича танланган  $m_x$  моделлаш коэффициенти асосида моделда юкламаларнинг тегишли токларни ҳисобланг.

$$I_{ia(p)\text{mod}} = \frac{I_{ia(p)}}{m_i} ;$$

5. Кучланиш буйича моделлаш коэффициентини тангланг. Бунда, аввал моделда берилган тармоқ манбасининг кучланинши  $U_{\text{mod}}$  танланиш лозим, масалан, 8 В га teng деб танланади, сўнгра эса  $m_U$  аниқланади:

$$m_U = \frac{U}{U_{\text{mod}}} \left[ \frac{B}{B} \right]$$

Актив  $R_{ia}$  ва реактив  $R_{ip}$  юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларнинг дастлабки қийматларини ҳисобланг. Ҳисобланган натижаларни 2-жадвалга киритинг.

7. Актив юкламалар учун, ҳисоблаш столида берилган тармоқнинг ўзгармас ток модели схемасини тузинг. Схемани йиғиши стол тутунларини

йиғувчи калитлар ёрдамида шиналарни йиғишидан бошлаш лозим, масалан, 7-расмда схема 1.А.В.С шиналарни ва 9.10.11.16.22.23 тугунларни йиғувчи калитларни туташтириш ёрдамида умумий тугунни йиғишидан бошланади. Шундан сүнг боғловчи шнурлар ёрдамида шиналарга актив қаршилик блоклари уланади. Бунда, юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларнинг қийматлари, столдаги битта блокининг мумкин бўлган энг катта қаршилигидан катта бўлиши мумкин. Бу ҳолатда қаршилик бир нечта кетма-кет уланган блоклар ёрдамида йиғилади; масалан, юкламанинг 1800 Ом ли қаршилигини кетма-кет уланган иккита 1000 Омли қаршилик блоклари ёрдамида йиғиш мумкин.

10000 Ом ли қаршилик блокларини,  $m_x$  коэффициентини ҳисоблаётганда  $I_{\text{мум мин}}$  токи 8 мА га деб олингандагина ишлатиш мумкин (3 бандга қаранг). Қисқа туташув шнурини модел схемасининг умумий нуқтасига улаш охириги навбатда, йиғилган схема ҳамда блокдаги қаршиликларнинг ҳисобланган қийматлари тўғри қўйилганлигини ўқитувчи текширгандан сүнг амалга оширилади.

8. Юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларни танлаш йули билан 4-банда ҳисобланган юкламалар актив токлари қийматини  $I_{ia \text{ мод}}$  моделда ўрнатнинг. Бунда моделнинг турли тугуларидағи кучланишлар ҳар хил бўлишини ҳисобга олиш керак ( $R_{ia}$  ва  $R_{ip}$ ) қаршиликлар ҳисобланганда модел кучланиши ҳамма шиналар учун бир хил деб олинган, шунингдек R қаршиликларнинг дастлаб ҳисобланган қийматлари охириги ўрнатилган киймат билан тўғри келмайди. Юклама қаршиликларини қайта-қайта ўзгартириш йули билан моделда керакли ток қийматлари ўрнатилади, чунки бирорта шинада ток қийматининг ўзгариши бошқа шиналарда ток ва кучланишларни ўзгаришига олиб келади. Одатда, биринчи даврда «A» истеъмолчидағи токнинг керакли қийматига эришилади, кейин эса «B» истеъмолчидағи ва хокозо, шундан сүнг яна «A» истеъмолчига қайтилиб иккинчи даврда ундаги ток керакли қийматгача ўзгартирилади, кейин «B» истеъмолчидағи ток ўзгартирилади ва хакозо.

Одатда ҳамма истеъмолчилардаги токларнинг керакли қийматлари кўрсатилган даврлар уч (тўрт) марта бажарилгандан кейингина ўрнатилади, Кетма-кет яқинлашиш усули билан танланган қаршиликларнинг қийматларини 1.2-жадвалга киритинг.

9. Юкламалардаги актив токларнинг берилган қийматлари ўрнатилгандан сүнг. моделда линияларнинг актив токларини  $I_{ia \text{ мод}}$  ва линиялар бошидаги  $I_{iu \text{ бош}}$ , ҳамда охиридаги  $I_{iu \text{ ox}}$  кучланишларни ўлчанг. Ўлчов натижаларини 1.3 жадвалга киритинг.

10. 7,8,9-бандларда кўрсатилган харакатларни реактив токлар учун ҳам бажаринг.

11. Юкламаларнинг актив ва реактив токларига асосан кучланишларнинг Ўлчанган ( $U_{ia \text{ бош}}, U_{ip \text{ ox}}, U_{ip \text{ бош}}, U_{ip \text{ ox}}$ ) қийматлари ёрдамида модел линияларидаги кучланишнинг пасайишини ( $U \Delta U_{\text{мод}} \Delta U_{\text{мод}}$ ) ҳисобланг:

$$\begin{aligned}\Delta U'_{i \text{ мод}} &= U_{ia \text{ бош}} - U_{ip \text{ ox}} \\ \Delta U''_{i \text{ мод}} &= U_{ip \text{ бош}} - U_{ip \text{ ox}}\end{aligned}$$

Ҳисоблаш натижаларини 1.3 жадвалига киритинг.

12. Модел линияларида ўлчалган актив ва реактив токларнинг қийматлари ва токнинг танланган моделлаш коэффициенти  $m_I$  орқали линиялардаги хақиқий тармоқ токларининг қийматларини топинг:

$$I_{ia} = I_{ia \text{ мод}} \cdot m_I ; \quad I_{ip} = I_{ip \text{ мод}} \cdot m_I$$

Ҳисоб натижаларини 1,4- жадвалга киритинг.

13. Линиялардаги хақиқий тармоқ кучланиш йўқолишини топинг:

$$\Delta U_i = \Delta U'_i + \Delta U''_i = m_i \sqrt{3} (\Delta U'_{i \text{мод}} + \Delta U''_{i \text{мод}})$$

Ҳисоб натижаларини 1.4 - жадвалга киритинг.

14. Таъминлаш станцияси шинасида берилган кучланишдан линияларда кучланишни йўқолган қийматини айриш йўли билан линяларининг бошидаги ( $U_{i\text{ бosh}}$ ) ва охиридаги ( $U_{i\text{ ox}}$ ) хақиқий кучланишларини топинг.

15. Линиялар бошидаги ( $P_{i\text{ бosh}}$ ,  $Q_{i\text{ бosh}}$ ) ва охиридаги ( $P_{i\text{ ox}}$ ,  $Q_{i\text{ ox}}$ )

кувват оқимларининг хақиқий тақсимланишини топинг. Ҳисоблаш натижаларини 1.4- жадвалга киритинг.

### Ҳисоботни расмийлаштириш.

Ҳисобот иш мақсадини, ҳисоб ва тажрибани таҳлилини (ишни бажариш тартиби бўйича) ва иш бўйича хulosани ўз ичига олиши керак.

Хulosада, моделда ҳисобланган линиялардаги кучланиш йўқолиши уларнинг рухсат этилган қиймати билан солиширилиб, шу асосда симларнинг кўндаланг кесим юзалари (уларни узунлигини ҳисобга олган холда), улар орқали ўтаётган қувват қийматларига мос келиши тўтғрисида якун яшаш керак.

### Назарий саволлар.

1. Ўзгармас ток ҳисоблаш «столининг асосий қисмларини ва уларнинг вазифасини айтиб беринг. Модел элементларида мумкин бўлган энг катта ток қиймати нимага teng?

2. Ўзгармас ток столида юкламалар, линиялар ва таъминловчи станциялар қандай моделлаштирилади?

3. Қандай тармоқ шахобчаланган махаллий тармоқ деб аталади?

4. Ушбу тушунчаларнинг мазмунини тушунтиринг. кучланиш йўқолиши ва пасайиши. Махаллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ҳисобланётганда қандай соддалаштиришлар қўлланилади?

5. Бўлиш усулининг мазмуни нимадан иборат ва шахобчаланган махаллий тармоқни ҳисоблаётганда у усул қандай қўлланилади?

6. Симметрик ўзгарувчан ток занжирининг бир чизиқли схемаси билан ўзгармас ток моделининг схемаси, ўртасидаги ўхшашиблик нимадан иборат?

7. Шахобчаланган махаллий тармоқда қувват оқимини тақсимланишини, кучланиш йўқолишини ва қувват исрофини ўзгармас ток модел ёрдамида ҳисоблаш тартибини кўрсатинг?

8. Ўзгармас ток модели учун токнинг моделлаш коэффициенти т қандай танланади?

9. Нима учун электр энергияси истеъмолчиларини тақлид қилувчи қаршиликлар қийматини таҳлилий йўл билан ҳисоблаш таҳминан амалга оширилади? Кетма-кет яқинлашиш усулининг мазмуни нимадан иборат?

Тажриба ишига вазифа жадваллари.

1.1-жадвал

линиялар	Сим тури	Линия узунлиги (км)	Ом/км	Ом/км	$R_L$ , Ом	$X_L$ , Ом	$R_a$ ўрнат Ом	$R_p$ ўрнат Ом
Л-1								
Л-2								
Л-3								

1.2-жадвал.

Юкламалар	$P_h$ , кВт	$Q_h$ , кВАр	$I_a$ , А	$I_p$ , А	$I_{a\text{ мод}}$ , mA	$I_{p\text{ мод}}$ , mA	$R_{a\text{ мод}}$ , Ом	$R_{p\text{ мод}}$ , Ом

1.3-жадвал

Линиялар	Линиядаги токлар		Линиядаги кучланиш, В				Кучланиш пасайши, В	
	I <sub>a</sub> мод, mA	I <sub>p</sub> мод, mA	U <sub>a</sub> бош	U <sub>a</sub> ox	U <sub>p</sub> бош	U <sub>p</sub> ox	ΔU' мод	ΔU'' мод
Л-1								
Л-2								
Л-3								

1.4-жадвал.

Линия лар	Линиядаги токлар		Линиядаги кучланиш, В			Линиядаги қувватлар			
	I <sub>a</sub>	I <sub>p</sub>	U <sub>бош</sub>	U <sub>ox</sub>	ΔU	P <sub>бош</sub> , кВт	P <sub>ox</sub> , кВт	Q <sub>бош</sub> , кВар	Q <sub>ox</sub> , кВар
Л-1									
Л-2									
Л-3									


1.5-жадвал


Сим тури	r <sub>o</sub> , Ом/км	x <sub>o</sub> , Ом/км
AC-10	3,12	0,423
AC-16	2,06	0,391
AC-25	1,38	0,377
AC-35	0,85	0,366
AC-50	0,05	0,355
AC-70	0,46	0,341
AC-95	0,33	0,332
AC-120	0,27	0,324
AC-150	0,21	0,319
AC-185	0,17	0,313

Тажриба ишига топшириқ жадвали


1.6-жадвал

Вариант №	1	2	3	4	5	6	7	8	
схема №	1	1	2	2	3	3	4	4	
сим тури	-1	AC-25	AC-35	AC-50	AC-70	AC-50	AC-70	AC-35	AC-50
	-2	AC-16	AC-25	AC-25	AC-35	AC-50	AC-35	AC-25	AC-25
	-3	AC-35	AC-10	AC-10	AC-16	AC-16	AC-25	AC-16	AC-10
истеммол-чилар қуввати, кВт, кВАр	A	200+150	380+120	500+300	600+750	250+100	150+100	200+180	430 +110
	B	400+100	570+240	450+200	200+150	550+250	450+200	570+240	550 +250
	C	600+750	200+180	150+100	400+100	430+100	500+300	380+120	250 +100
линиядаги кучланиш, кВ	10	10	10	10	10	10	10	10	10





2-расм




3-расм



$\eta/cI$

4-расм


$\eta/cI$







5-расм



б-расм



в-расм



## 2 - ТАЖРИБА ИШИ.

### **ҮЗГАРМАС ТОК ҲИСОБЛАШ СТОЛИ ЁРДАМИДА МУРАККАБ ЁПИҚ БИР ТУРЛИ ТАРМОҚДА ҚУВВАТ ОҚИМИ ТАҚСИМЛАНИШИНІ АНИҚЛАШ.**

#### **Ишнинг мақсади.**

Тажриба ишининг мақсади ўзгармас ток ҳисоблаш столидаги мураккаб ёпиқ занжирли бир турдаги тармоқда қувват тақсимотини ҳисоблаш усулини ўрганишдан иборат.

#### **Назарий қисм.**

Боғланмаган берк контурларга ва унча кўп бўлмаган тугунли нуқталарга эга бўлган, деярли содда тармоқларни ҳисоблаш учун кўпинча тармоқни ўзгартириш усули, контурли тенгламалар ва тугунли потенциаллар усулини кўлланилади. Агар тармоқнинг боғлиқ бўлмаган контурлари ва тугунли нуқталари кўп бўлса, уни ҳисоблаш бирга ечиладиган тенгламалар сони кўпайиши натижасида мураккаблашади. Бундай тармоқларда оқим тақсимланишини аниқлаш учун ўзгармас ток ҳисоблаш столини кўллаш мумкин.

Мураккаб берк бир турли тармоқдарни ўзгармас ток модели ёрдамида ҳисоблагандаги, тармоқни бўлиш усулини кўллаш имкониятига эга бўлинса, қувват оқимларини аниқлашда етарли аниқлиқдаги натижаларга эришиш мумкин

Бир турли тармоқларни ҳисоблашда ўзгармас ток моделини ишлатиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

8-расмда бир хил кучланишли мураккаб берк район тармоғининг бир чизиқли схемаси (яни бир фаза учун) тасвирланган. Район тармоғи Зта А, В ва С пасайтирувчи подстанциялардан ва узунликлари  $l_1, l_2, \dots, l_6$  бўлган линиялар ёрдамида бир-бири билан боғланган 2 та I ва II станциялардан ташкил топган, II-станция ўзгармас -асосий қувват бидан иштайди,

частотани ростловчи 1-станция эса тармоқда бўладиган қувват ўзгаришини қоплади. I-станция қувватини' ҳар бир вакт учун линиялардаги кувваг исрофини ҳисобга олиб, тармоқдаги қувват мувозанати буйича топиш мумкин.

Пасайтирувчи подстанцияларнинг ва II-станциянинг юкламалари трансформаторларни юкори томонига келтирилган ходда (яни, трансформаторлардага қувват исрофини ва линияларнинг зарядли қувватини хиеобга олинганда) берилган.

Келтирилган тармоқ линияларидаги қувватлар (токлар) оқимини контурли тенгламалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

8-расмда кўрсатилган ток ва қувват оқимлари йуналиши учун контурли тенгламалар қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \sum_I I_k Z_k = \frac{\dot{S}_5 \cdot \dot{Z}_5 + \dot{S}_1 \cdot \dot{Z}_1 - \dot{S}_6 \cdot \dot{Z}_6}{\sqrt{3} \cdot \dot{U}_\phi} = 0 \\ \sum_{II} I_k Z_k = \frac{\dot{S}_6 \cdot \dot{Z}_6 - \dot{S}_2 \cdot \dot{Z}_2 + \dot{S}_3 \cdot \dot{Z}_3}{\sqrt{3} \cdot \dot{U}_\phi} = 0 \end{array} \right. \quad (1)$$

ёки

$$\left\{ \begin{array}{l} \dot{S}_5(r_5 + jx_5) + \dot{S}_1(r_1 + jx_1) - \dot{S}_6(r_6 + jx_6) = \sum_I \dot{S}_k Z_k = 0 \\ \dot{S}_6(r_6 + jx_6) - \dot{S}_2(r_2 + jx_2) + \dot{S}_3(r_3 + jx_3) - \dot{S}_4(r_4 + jx_4) = \sum_{II} \dot{S}_k Z_k = 0 \end{array} \right.$$

Агар тармоқ бир турли, яъни битта кесимли симдан ясалган бир хил тузилишга эга. бўлган линиялардан ташкил топган бўлса, унда (2) тенгламалар системасини анча соддалаптириш мумкин.

Хақиқатдан, I км линиянинг комплекс қаршилиги бу холда тармоқнинг ҳамма қисмлари учун бир хилдир, яъни

$$Z_{OK} = r_{OK} + jx_{OK} ; \quad Z_K = Z_{OK} \cdot l_R ; \quad Z_{OK} = const$$

ларни ҳисобга олиб, (2) тенгламалар системасини қўйидаги кўринишида ёзиш мумкин.

$$\left\{ \begin{array}{l} \sum_I (P_K + jQ_K) l_K = 0 \\ \sum_N (P_K + jQ_K) l_K = 0 \end{array} \right. \quad (3)$$

ёки

$$(3') \left\{ \begin{array}{l} \sum_I P_K l_K = 0 \\ \sum_N P_K l_K = 0 \end{array} \right. \quad (3'') \left\{ \begin{array}{l} \sum_I Q_K l_K = 0 \\ \sum_N Q_K l_K = 0 \end{array} \right.$$

Олинган ифодалар шуни кўрсатадики, бир турли мураккаб берк тармоқларда қувват оқими тақсимланиши анча осонлашади яъни бир-бири билан боғлиқ бўлмаган 2 та тармоқ-биринчиси факат актив юкламалар билан ( 3-тенгламалар системасига қара), иккинчиси эса - реактив юкламалар билан {3\* - тенгламалар системасига қара} юкландган ҳолатда кўрилаяпти. Буларнинг ҳар бири учун, бир бирига боғлиқ бўлмаган холда қувватлар тақсимланиши топилади. Тармоқнинг айрим қисмларидаги актив ва реактив қувватларни геометрик қўшиш йули билан аниқланади.

Бир турли тармоқни шу усул билан: яъни ҳар хил юкламали бир бири билан боғлиқ бўлмаган 2 та тармоқка ажратиб ҳисоблаш, тармоқни бўлиш усули дейилади.

3' ва 3'' тенгламалар системасидаги тенгламаларнинг ҳар бирини катталигига бўлиб қўйдагиларни ҳосил қиласиз:

$$(4') \left\{ \begin{array}{l} \sum_I I_{ak} l_K = 0 \\ \sum_N I_{ak} l_K = 0 \end{array} \right. \quad (4'') \left\{ \begin{array}{l} \sum_I I_{pk} l_K = 0 \\ \sum_N I_{pk} l_K = 0 \end{array} \right.$$

бу ерда,  $I_{ak}$ ,  $I_{pk}$ - тармоқни 2нчи қисмидаги токларнинг актив ва реактив таркибий қисмлари.

8-расмда тасвирланган кўндаланг кесим юзаси бир хил бўлган симлардан ташкил топган ўзгармас ток тармоғи учун контурли тенгламалар системаси, агар ўзгармас ток тармоғининг қисмларидаги токлар тегишли  $I_{ak}$  ёки  $I_{pk}$  токларга мос келса, худди шундай кўринишига ( 4 ва 4"тenglamalap) эга бўлади.

Контурли тенгламалар системасининг бу ўхшашлиги бир турли мураккаб ёпиқ 3 фазали тармоқлардаги ўзгарувчан токнинг актив ва реактив тартибларининг амалдаги қийматларини аниқлаш учун кўлланилади.

Токларнинг актив ва реактив тартибларини модел ёрдамида аниқланётганда, ўзгарувчан ток хақиқий симметрия тармоғининг бир чизиқли схемаси тузилишига ўхшаш, ўзгармас ток схемаси йифилади (9-расм). Линияларни тақлид қилувчи моделнинг  $R_1$ ,  $R_2$ , ...,  $R_6$  актив қаршиликлари тармоқ қисмларининг узунликларига мос бўлиши керак. Юкламалар моделда қаршиликлар орқали тақлид қилинади (берилган тармоқ учун  $R_A$ ,  $R_B$ ,  $R_C$ ) ва ҳисобланётган системанинг тегишли тугунларига уланади.

Электр станциялар (8-расмда 1 ва 2 станция) моделда икки поғонали потенциометри бор генераторлар орқали тақлид қилинади. (ўзгармас ток ҳисоблаш столининг баёнига қара), уларнинг мусбат потенциали сурилгичлардан схеманинг тегишли тугунига юборилади. (9-расм).

Юкламани тақлид қилувчи қаршиликларнинг ( $R_A$ ,  $R_B$ ,  $R_C$ ) иккнинчи учлари умумий тугунга йифилади ва қисқа туташув шнури орқали моделнинг манфий шинасига уланади. Бу шинанинг потенциали, моделда ўзгарувчан тоқда ишловчи 3 фазали симметрик системасининг нолли нуктасининг (бетараф нукта) потенциалига туғри келади. Моделдаги тугунли нукталарнинг

потенциали хақиқий З фазали занжирнииг тегишли нүқтларидаги фазали кучланишнинг потенциалига тўғри келади.

(4)- тенгламалар системасидан шундай хулоса чикадики, бир турли берк-мураккаб тармоқдаги токларни ҳисоблаётганда схемани бўлиш усулини қўллаш мумкин. Шунинг учун, занжирдаги токларнинг актив (реактив) таркибий қисмларини аниқлаётганда, юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларинг қийматларини шундай танлаш керакки, улар орқали оқиб ўтаётган токлар актив ва (реактив) юкламаларга мос бўлсин: генерация тугунларига юборилаётган кучланиши (потенциометрлардан олинаётган) шундай бўлиши керакки, тугунларга келаётган токлар хақиқий уч фазали тармоқ манбаларига тегишли токларнинг актив (реактив) таркибий қисмларига мос бўлсин. Бу холда линияларни тақлид қилувчи қаршиликларда ўрнатилган токлар хақиқий тармоқнинг тегишли қисмларидаги токларнинг актив (реактив) таркибларига мос бўлади.

Буларни ўлчов асблори ёрдамида ўчлаш мумкин.

Частотани созловчи станциянинг юкламасини актив (реактив) қувватлар мувозанати асосида аниқлаш мумкин, бунда линиялардаги қувват исрофи ҳисобга олинмайди.

Махсус усулни қўллаб ҳар хил турли тармоқлардаги симларнинг кесим юзаси ҳар хил ва берк контурнинг тармоқларида трансформаторлари бор қувват оқими тақсимланишини керакли аниқлиқда ҳисобланниб, ўзгармас ток моделини қўллаш мумкин. Лекин бу масала ушбу тажриба ишининг дастурига кирмайди ва шунинг учун батафсил ўрганилмайди.

### **Топширик**

1. Ўзгармас ток столида йиғиш учун берилган мураккаб берк тармоқнинг моделдаги ҳисоблаш схемасини тузинг.

2. Ток бўйича моделлаш масштабини танланг, линия ва юкламаларни тақлид қилувчи қаршиликларнинг қийматларини ҳисобланг.

3. Тажриба маълумотларини ёзиш учун керакли жадвалларни тайёрланг.

4. Ҳисоблаш столида берилган тармоқнинг моделдаги схемасини йиғинг ва ундаги қувват оқими тақсимланишини аниқланг.

5. Текширув саволларга жавоб беринг.

### **Ишнинг бажариш тартиби.**

Тармоқни берилган вариант учун подстанция ва электр станцияси берилган қувватлари бўйича юклама токларининг актив ва реактив таркибий қисмларини ҳисобланг. Ҳисоблаш натижаларини 2.1. жадвалга киритинг.

Шиналар белгиси	Берилган		Ҳисобланган				Моделда ўрнатилган		
	P, МВт	Q, МВар	I <sub>a</sub> , А	I <sub>p</sub> , А	I <sub>a</sub> , мод, А	I <sub>p</sub> мод, А	R <sub>a</sub> , Ом	R <sub>p</sub> , Ом	Шинадаги кучланиш, В
I									
II									
A									
B									
C									

2 .Ток бўйича моделлаш коэффициентини танланг.

$$m_I = \frac{I_{\max}}{I_{\min}}$$

бу ерда  $I_{\max}$  - подстанциялардаги хақиқий юклама токларининг энг каттаси;

$I_{\min}$  - модельда ишлатилаётган қаршилик блоклари учун мумкин бўлган токларнинг энг кичиги.

Юкламалар ва генераторлар учун хисобланган токларнинг актив ва реактив таркибий қисмлари ва ток бўйича танланган моделлаш коэффициенти  $r_g$  асосида моделдаги токларнинг тегишили таркибларини хисобланг; хисоб натижаларини 2.1 жадвалга киритинг.

Актив ва реактив юкламаларини тақлид қилувчи  $R_a$  ва  $R_p$  қаршиликларнинг тахминий бошланғич қийматларини хисобланг, бунда модел кучланишини 8 В га тенг деб олиш мумкин.

$$R_{ia} = \frac{U_{mod}}{I_{ia.mod}} ; \quad R_{ip} = \frac{U_{mod}}{I_{ip.mod}}$$

5. Линияларни тақлид қилувчи  $R_1, R_2, \dots, R_6$  қаршиликларнинг қийматларини, линиянинг I км, узунлиги масалан I Ом га туғри келади деб хисобланг. Натижаларни 2.2-жадвалга киритинг.

2..2-жадвал.

Шахобча тартиби	Моделдаги линия қаршилиги $R$ , Ом	Ўлчанган		Ўлчов натижасида хисобланган			
		$I_{a.mod}$ ,mA	$I_{p.mod}$ ,mA	$I_a$ .	$I_p$ ,A	P,МВт	Q,МВар
1							
2							
3							
4							
5							

6.Район тармоғининг берилган вариант учун ўзгармас ток моделининг схемасини тузинг ва уни хисоблаш столида йиғинг.

7.Юкламадарни тақлид қилувчи қаршиликларни ( $R_A$  ,  $R_B$  ,  $R_C$ ) ва икки поғонали потенциометрлардаги кучланишларни қайта-қайта танлаш йўли билан юкламаларни ва II - генераторли станция модели (бу ўзгармас асосий қувват билан ишлайди) токларнинг хисобланган актив таркибий қисмини ўрнатинг.

Бунда шуни хисобга олиш керакки, I ва II - станцияларни тақлид қилувчи генераторлар моделларнинг орасидаги кучланишлар ҳар хил бўлганда тенглаштирувчи ток пайдо бўлади, унинг қиймати икки поғонали потенциометр токининг мумкин бўлган юкори қийматидан ошиб кетиши мумкин. Шунинг учун, уларнинг ҳар биридан бир хил кучланиш ўрнатгандан сўнг амалга ошириш керак, масалан II = 8 В , бўлганда. II- станция токнинг керакли қийматини ўрнатиш шу станция потенциометрининг сурилгичи билан амалга оширилиши керак. (частотани созловчи I- станция моделининг потенциометри бунда ишлатилмайди). Бунда миллиамперметр токининг йуналишини ўзгартурувчи қайта улангич « тугундан » ҳолатида бўлиши керак, чунки бу холда - станциянинг асосий қувватига мос бўлган ток, генератор моделидан юкламаларга қараб оқади (тескари томонга эмас).

Қаршиликларнинг ва модел шиналаридағи кучланишларнинг сарфланган қийматларини 2.1-жадвалга киритинг.

8. II- станция генератори ва юкламалар модели токларнинг берилган актив таркибий қисм қийматлари ўрнатилгандан сўнг линиялардаги ва I- станция генератор моделининг занжиридаги токларнинг актив таркибий қисмини ўлчанг. Агар бунда .миллиамперметр кўрсатгичи шкалани манфий томонига оғса, унда ток йўналишини ўзгартурувчи қайта улагичнинг ҳолатини ўзгартириш лозим. Шунингдек, масалан ўлчанадиган токнинг йуналиши мусбат, агар қайта улагич «тугундан» ҳолатида турган бўлса, агар «тугунга» ҳолатида бўлса - манфий деб олиш керак. Ўлчов натижаларини (оқаётган токларнинг йўналишини хисобга олиб) 2.2-жадвалга киритинг.

9. 7 ва 8-бандларда кўрсатилган амалларни токларнинг реактив таркибий қисми учун бажаринг.

10.Модел линияларида ўлчанган токларнинг актив ва реактив таркиблари ва ток бўйича танланган моделлаш коэффициенти асосида мавжуд тармоқ линияларидаги хақиқий ток тақсимланишини топинг.Ҳисоб натижаларини 2-2-жадвалга киритинг.

11.Ҳисоблаща тармоқнинг номинал кучланишини  $U_n = 110$  кВ деб олиб, линиялардаги қувват оқими тақсимланишининг хақиқий қийматини топинг.Ҳисоблаш натижаларини 2.2-жадвалга киритинг.

Р. Район тармоғининг берилган вариант схемаси учун линиялардаги актив ва реактив қувватларнинг ўзгарувчан токлари йўналишини кўрсатинг,

### **Ҳисоботни расмийлаштириш**

Ҳисобот ишининг мақсадини, таҳлилий ҳисоблашни ва тажриба натижаларини (ишнинг бажариш тартиби бўйича аниқланган кетма-кетликда) ва иш бўйича хulosани ўз ичига олиши керак. Хуносада берилган тармоқдаги хақиқий оқим тақсимланишини тушунтириш лозим ва ҳисоблаш столида олинган I-станциянинг частота ростловчи қуввати қийматини қувватлар мувозанатидан топилган Линиялардаги исроф ҳисобга олинмаган қиймати билан солиштиринг.

### **Текширув саволлари**

1. Кандай тармоқ очик, берк ва мураккаб берк тармоқ деб аталади ?
2. Қандай электр тармоғини бир турли дейиш мумкин ?
3. Тармоқни бўлиш усулиниңг мазмуни нимадан иборат ва қандай ҳолатда уни мураккаб берк тармоқларни ҳисоблаща қўллаш мумкин?
4. Нима учун ўзгармас ток моделини маҳсус усул қўллаб ,фақат бир турли тармоқларни ҳисоблаща ишлатиш мумкин ?
5. Ҳар хил турли мураккаб берк тармоқларни ҳисоблашга қараганда, бир турлиларни ҳисоблашнинг афзалликлари нимадан иборат?
6. Частотани созловчи 1-станциянинг вазифасини тушунтиринг. Бу станция тармоқдаги оқим тақсимланишига қандай таъсир кўрсатади ?
7. Берк электр тармоқларидағи оқим тақсимланиши қандай созланади. Ўзгармас ток модели ёрдамида мураккаб берк тармоқдаги оқим тақсимланишини ҳисоблаш таркибини кўрсатинг.
9. Қандай қилиб ўзгармас ток столи, асбобларининг ҳар биридаги ўлчаш оралиғини ўзгаргартирувчи қайта улагич ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, схемани тармоқланган қисмларидаги электр катталикларни ўлчаш амалга оширилади? Қандай қилиб схеманинг тармоқланган қисмларида оқаётган ток йўқолиши аниқланади?

Схема №1




Схема №2




Схема №3






Схема №4





Электр системасининг ўзгарувчан ток модели хисоблаш столининг баёни

3,4 ва 5-тажриба ишлари бажариладиган 1-3 тажриба дастгоҳлари, электр системасининг ўзгарувчан токда ишловчи универсал статик моделлари асосида яратилган. Хар бир дастгоҳ, электр системаси элементларини математик моделлаш имконини берадиган ускуна хисобланади ва қуидаги элементтарни ўз ичига олади:

- электр системасининг синхрон тетдараторларини моделловчи генераторли стантцялар

- электр система линияларини моделловчи юкламали элементлар;
- трансформаторларни моделловчи трансформаторли элементлар.

Бу элементлар дастгоҳнинг тик қисмига жойлашаган, унинг олд панелларида эса элементларнинг тегишли шартли белгилари кўрсатилган (Г-генераторли станциялар учун, Н-юкламалар учун, Т-трансформаторлар учун, Л ва С - линия ва сифимли элементлар учун)

Моделлаш қулай бўлиши учун дастгоҳда, параметрлари ҳар хил чегараларда ўзгарувчи бир хил элементлар мавжуд, булар тегишли олд панелларда кўрсатилган. Дастгоҳда текширилаётган системанинг бир фазали ҳолати кўриб чиқилади. Генератор станция трансформаторли ва юкламали элементларнинг ноль нуқталари дастгоҳ учун умуумий бўлган нолли симга уланади.

Қуида ҳар бир элементларнинг тузилишини қискача кўриб чиқамиз. Генераторли станциялар. Улар дастгоҳнинг энг мураккаб элементларидан бўлиб синхрон машиналарни

моделлаш учун хизмат қилади. Дастроҳнинг ҳар бир блокида статик ва динамик ҳолатларда ишловчи 4 та автоматик генераторли станциялар бор «Электр тармоқлари ва системалари» курсида злектромеханиканинг ўтиш жараёнларига таалуқли бўлган саволлар қурилмаганлиги учун автоматик генераторли станция факат статик ҳолатда қўлланилади, яъни бизнинг ҳолатда хисоблаш модели электр системасининг статик моделидир. Бунда электр системасининг турғун ҳолат анализ қилинади, қувват оқимларининг таҳсиланиши ва электр тармоғидаги кучланишлар даражаси аниқланади.

Бу ҳолатда генераторли станция синхрон генераторни алмаштириш схемаси бўйича моделлайди; ўткинчи реактив қаршилигидан  $X_d$  ва ундан кейинги ўткинчи электр юритувчи кучи (э.ю.к)  $E_d$ . Агар генераторли станция чексиз қувватли система бўлса, унда қуидагилар ўрнатилади (10-расмга қара): « $X_q - X_d$ », « $K_3$ », « $P_d$ », « $P_h$ » потенциометрлар ноль ҳолатларда,  $X_d$  ва  $T_J$  қутиларда «0» ўрнатилади.

$U_g$  кучланишни,  $P_g$  ва  $Q_g$  қувватларни созлаш « $E_d$ » потенциометри ва «Фаза  $E_d$ » сельсини билан амалга оширилади.

Линия элементлари, кетма-кет уланган учта актив ва учта реактив қаршиликлардан ва қаршиликнинг керакли қийматини ўрнатиш учун хизмат қиладиган штеккерли контакторлардан ташкил топган (11-расм).

Актив қаршиликнинг энг катта қиймати реактив қаршиликнинг энг катта қийматини 60 фоизини ташкил қилади.

Линия элементини улаш учун штеккерли қутининг ҳар қайси устунига штеккерни қўйиш керак. Агар бирор устунда штеккер бўлмаса, унда бу линия ўчирилган бўлади.

Сигимли элементлар, тегишли контакторлари бор батареяли конденсаторлардан ташкил топган. Ҳар қайси сигимли элемент бир-бирига боғлик бўлмаган учта батареядан иборат (11-расм). Батеряяга киравчи сигимларнинг микрофарадада ўлчанадиган қийматлари сигимли элементнинг олд панелида кўрсатилган.

П-кўринишдаги алмаштириш схемасига кўра сигимлар бир уни билан коммутация панелидаги шиналарга тўғри уланган. Керакли сигимни қўйиш учун, панелдаги линия қаршиликларига шунт ва чап томонига жойлашган штеккерли қутиларнинг икки қаторли уяларига штеккерни қўйиш лозим. Ҳар қайси қатор, П кўринишдаги алмаштириш схемасининг бир кўндаланг шахобчасига тўғри келади. Панела, сигимлар қиймати микрофарадада, актив ва индуктив қаршиликлар Ом да ўрнатилган (11-расм).

Юкламили элементлар. Электр системаси истеъмолчиларшгинг ишлаш ҳолатини кўрсатиш учун юкламили элементлар ишлатилади. Улар уч декадали созвучиси бор параллел уланган 2 та актив ва индуктив қаршиликлар қутисидан ташкил топган. Қаршиликлар қутисида ушлаб туриладиган номинал кучланиш, қувватнинг масштаб коэффициенти  $m_S = 1$  бўлганда - 25 В га,  $m_S = 0,2$  бўлганда эса - 11,2 В га тенг (12-расм).

Махсус « АВТ » ва « РУЧ » қайта улагичлар, юкламили элементи автоматик ҳолатдан кўл билан ишлаш ҳолатига ўтказиш имкониятини беради, қувватни ўзгарти-риш эса кнопкани « БОЛ » ва « МЕН » қайта улагичлари ёрдамида амалга оширилади (12-расм).

Трансформаторли элементлар. Ҳар қайси трансформаторли элемент қуидагилардан ташкил топган:

1. Моделланувчи трансформаторнинг трансформациялаш коэффициентини ўзгартира оладиган отпайкали (шахобчали) автотрансформатордан:

2. Моделланувчи трансформаторнинг керакли қаршилигини ифодалайдигаи 3 та индуктив қаршиликлардан:

3. 6 та тик қатор уяли, олд томонида контакти бор панелдан.

Керакли реактив қаршилик ўнг томондаги 3 та тик қаторларнинг тегишли уяларига штеккерлар қўйиш билан ўрнатилади.

Ҳар қайси дастгоҳда реактив қаршиликларни 0,1 дан 99,9 Ом гача ва 1 дан 999 Ом гача ўзгартира оладиган трансформаторли элементлар бор. Бу хисоблаш схемаларида катта ва кичик қувватли трансформаторларни моделлаш имкониятини беради, қаршиликларни териш учун ишлатиладиган қурилма йўқ, чунки трансформаторларнинг актив қаршилиги реактив қаршилигидан анча кичик.

Уларнинг микдори индуктив қаршилик чулғамларининг актив қаршиликлари билан бирга тақлид қилинади ва ҳар доим ҳисоблаш схемасига киради

Трансформаторли элементлар куч трансформаторларининг Г-шаклидаги алмаштириш схемасини акс эттиради.

Икки ва уч чўлғамли трансформаторларни моделлаш учун трансформаторли элементларнинг икки хил тури мавжуд.

Уч чўлғамли трансформаторлар панелидаги “С” ҳарфининг тагида қўшимча контактлар қатори бор. В ва Н ҳарфлар ҳамма трансформаторли элементларда бор.

Трансформациялаш коеффицентини ростлаш, чапдаги 3 та (ёки 2 та) тик жойлашган қаторларнинг тегишли уяларига қўйиладиган штеккерлар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар қайси уяниг қаршилиги трансформациялаш коеффициентининг тегишли ўзгариши фоизда (%) кўрсатилган. В ва С чўлғрамлар учун трансформациялаш коеффициентининг ўзгаришини белгилаш умумийдир. Тик қаторлардаги ҳар қайси 3 та штеккерни "0" ҳолатга ўрнатиш, трансформациялаш коеффициентини бирга тенглигига тўғри келади.

В ва С тик қаторларнинг бошқа уяларига штеккерларни ўрнатиш билан трансформациялаш коеффициентини  $\pm 5\%$  оралиғида эркин ўзгартеришни ҳосил қилиш мумкин (агар Н қаторидаги штеккер нолли уяда турган бўлса). Созлаш оралиғини кейинги оширилиши, Н қаторидаги штеккерларнинг уланиш жойини ўзгартериш асосида бажарилиши мумкин. Трансформациялаш коеффициентини энг юқори оширилиши ( $\pm 15\%$  га). Н қаторидаги штеккерни  $-10\%$  га. В ёки С қатордагини эса  $- + 5\%$  га ўрнатиш билан амалга оширилади.

Трансформациялаш коеффициентини энг кўп камайиши (-15 % га), Н қатордаги штеккерни  $- + 10\%$  ҳолатга, "В" қатордаги штеккерни  $-5\%$  ҳолатга қўйишга тўғри келади.

Трансформация элементни улаш учун,  $\perp$  билан белгиланган Н қаторнинг чапдаги пастки уясига албатта штеккер қўйилган бўлиши керак. Трансформаторли элементларнинг иккала панелида ҳам 2 та трансформаторли элементлар оралиғига жойлашган вертикал уялар қатори бор. Бу уяларга электр узатиш линияларнинг (ЭУЛ) бўйлама компенсациялашни имитация қилиш учун ишлатиладиган сифимли элемент қутисининг шахобчалари чиқарилган.

### **Линия қаршиликлари ва улаш панеллари.**

Линия қаршиликлари панели дастгоҳнинг вертикал қисмига жойлашган. Бу панелга линия элементларининг уялари чиқарилган, леки ular коммутация панелининг тегишли шиналари билан тўғри уланмаган (15-расм). Дастгоҳнинг горизонтал қисмida линия элементлари панели ёнида коммутация панели жойлашган (16-расм) бўлиб, унда текширилаётган электр системасининг ҳисоблаш схемаси йиғилади. Коммутация панелига генераторли станция, юкламали, трансформаторли ва сифимли элементларнинг бир томони уловчи шнурлар шинаси билан тўғри боғланган уялари чиқарилган.

Бундан ташқари, коммутация панелида схемаларни йиғиш учун ишлатиладиган штеккерли уловчи шнурлар жойлашган. Схемаларни йиғаётганда қулай бўлиши учун, тўртта уловчи шнурлар бир-бири билан боғланган ва ular тегишли тартибда шиналар шаклидаги коммутация панелининг пневматик схемасида тасвирланган электр тугунни ҳосил қиласди.

**Ўлчов схемаси.** Ҳар қайси стенда ҳисоблаш схемаларидағи ток, кучланиш ва қувватларни ўлчаш учун хизмат қиласидаги катта аниқликдаги бир комплект электродинамик ўлчов асбоблари бор. Бу комплект 4 та асбобдан иборат: вольтметр, амперметр, актив ва реактив қувват ваттметрлари.

Асбобларнинг хусусий истеъмоли билан боғлиқ бўлган хатолигини камайтириш учун ular ўлчов чегарасини ўзгартериш мумкин бўлган маҳсус электрон кучайтиргичлар билан таъминланган. Асбоблар комплекти ток ва кучланиш буйича 6 та чегарага эга (17-

расм).

Үлчайдиган уяга штеккер қўйиб асбоблар комплекти ёрдамида ҳисоблаш схемасида кучланиш, ток, актив ва реактив қувватларни ўлчаш мумкин.

Ўзгарувчан ток статик моделида ишлашга оид методик кўрсатмалар.

Ўзгарувчан ток статик моделида ишлаётганда моделлаш коэффициентларини, яъни оригинал ва моделдаги система ва ҳолат параметрларини боғловчи коэффициентларни танлаш катта аҳамиятга эга. Бу жараён ҳисоблаш схемасини дастгоҳда йиғишдан олдин амалга оширилади.

Бунда, ўлчов аниқлигини ошириш учун масштабларни шундай танлаш керакки, дастгоҳда йиғилган ҳисоблаш схемасидаги токлар мумкин кадар катта бўлгани маъқул, лекин бу қиймат дастгоҳ элементлари учун рухсат этилган энг катта қийматдан ошмаслиги керак.

Масштаб коэффициентлари  $m$  ёки қисқача масштаб деб, оригинал параметрни модел параметрита нисбати тушунилади. Шундай қилиб, кучланиш масштаби  $m_U$ , қаршилик масштаби  $m_Z$ , ток масштаби  $m_I$  ва қувват масштаби  $m_S$  лар қуйидагича аниқланади:

$$m_U = \frac{U_{\text{л.орг}}}{U_{\phi \cdot \text{мод}}} ; \quad m_I = \frac{Z_{\text{орг}}}{Z_{\text{мод}}} ; \quad m_Z = \frac{I_{\text{орг}}}{I_{\text{мод}}} ; \quad m_S = \frac{S_{\text{орг}}}{S_{\text{мод}}}$$

Бунда, текширилаётган 3 фазали схемалар моделда бир фазали қилиб тасвирлангани учун, кучланиш масштаби ифодасида оригиналнинг фазаларо кучланиши  $U_{\text{л.орг}}$  ва моделнинг фазали кучланиши  $U_{\phi \cdot \text{мод}}$  қатнашади. Қувват масштаби ҳам шунга ўхшаб, 3 фазали оригинал қувватни моделнинг бир фазасидаги қувватга ( $S$  мод) нисбати билан аниқланади. Юқорида келтирилган 4 та масштаб коэффициентларининг факат 2 таси мустақил бўлиб, улар ихтиёрий равища танланиши мумкин. Ток масштаби схеманинг текширилаётган ҳолатларида бўлиши мумкин бўлган энг катта токни моделда рухсат этилган энг катта токка нисбати тарзида аниқланади. Кучланиш масштаби ҳам шунга ўхшаб, оригинал ва моделнинг мумкин бўлган энг катта қийматларини ҳисобга олиб танланиши лозим.

Дастгоҳнинг энг катта рухсат этилган токи 100 mA, кучланиши эса-250 В ни ташкил киласди. Ток ва кучланиш масштаблари танлангандан сўнг, қолганлари қуйидагича аниқланади:

$$m_Z = \frac{Z_{\text{орг}}}{Z_{\text{мод}}} = \frac{U_{\text{л.орг}} I_{\text{мод}}}{\sqrt{3} \cdot I_{\text{орг}} U_{\phi \cdot \text{мод}}} = \frac{m_U}{\sqrt{3} m_I}$$


$$m_S = \frac{S_{\text{орг}}}{S_{\text{мод}}} = \frac{\sqrt{3} \cdot U_{\text{л.орг}} I_{\text{орг}}}{I_{\phi \cdot \text{мод}} U_{\phi \cdot \text{мод}}} = \sqrt{3} m_U \cdot m_I = \frac{m_U^2}{m_Z}$$

Бунда, қаршилик ва қувват масштаблари шундай олиниши керакки, ҳисоблаш схемасининг тегишли параметрлари модел имкониятидан ошмаслиги керак, яъни қаршиликларни модел элементларида йиғиш имкони бўлсин, қувват эса ўлчов асбобларининг ўлчов чегарасидан ошмасин


Ҳисоблаш схемасини тузиш ва ўлчашни амалга ошириш

Ишни бошлашдан аввал системанинг ўрганилаётган алмаштирув схемасига асосан ҳисоблаш схемаси тузилади. Унинг тузилиши алмаштирув схемасига ўхшашиб, лекин элементларни одат бўлиб қолган шартли белгилари ўрнига система параметрларининг (қаршиликлар, сигимлар ва бошқалар) модел каттгалигидаги қийматларини ва танланган элементларнинг тартибини ёзиш имконини берадиган, етарли катталиктаги тўрт бурчаклар ёки квадратлар тасвирланади. Шунга ўхшаб, ҳисоблаш схемасини йиғаётганда, коммутация панелида танланган тугунларга асосан, унинг ҳамма тугунлари белгиланади. Бундан ташқари, иш бошлашдан аввал топшириқдан маълум бўлган ва иш пайтида ўрнатилган ҳолат параметрлари ҳисоблаш схемасига киритилади. Асбоблар комплекти ёрдамида ўлчашни


бошлашдан олдин, асбобларни ишдан чиқармаслик учун, ток ва кучланиш бўйича энг катта ўлчов оралигини ўрнатиш лозим. 18-расмда, хисоблаш схемасининг намунаси тасвирланган.



18-расм



10-расм



N-41


N-42

	$x10$	$x1$	$x0,1$	$x10$	$x1$	$x0,1$		$x10$	$x1$	$x0,1$	$x10$	$x1$	$x0,1$	
1	○	○	○	○	9	○	○	○	○	○	○	9	○	○
0,5	○	○	○	○	8	○	○	○	○	○	○	8	○	○
0,2	○	○	○	○	?	○	○	○	○	○	○	?	○	○
0,8	○	○	○	○	6	○	○	○	○	○	○	6	○	○
0,10	○	○	○	○	5	○	○	○	○	○	○	5	○	○
0,05	○	○	○	○	4	○	○	○	○	○	○	4	○	○
0,02	○	○	○	○	3	○	○	○	○	○	○	3	○	○
0,002	○	○	○	○	2	○	○	○	○	○	○	2	○	○
0,01	○	○	○	○	1	○	○	○	○	○	○	1	○	○
0,005	○	○	○	○	0	○	○	○	○	○	○	0	○	○


C    R    N-41 x    CR    N-42 x

11-pagm


*H-11*




$U_H$   
+20




0  
-20




*PУЧ*



0,2






*БОЛ*




*МЕН*



12 - расм







15-00047



16 - РОСМ

15 50  
10  
V

V

0 20 30 40 50 60 80 100

200Hz 2kV↑

VAR

038 E

- +

A

0,05 0,1  
0,02 0,05  
A

0 20 30 40 50 60 80 100

0 20 30 40 50 60 80 100

200Hz 2kV↑

W

17 - 10cm

**З-ТАЖРИБА ИШИ**  
**ЭЛЕКТР СИСТЕМАСИННИГ ТУРГУН ИШ ХОЛАТИНИ ЎЗГАРУВЧАН**  
**ТОК МОДЕЛИДА ҲИСОБЛАШ.**


**Ишнинг мақсади ва мазмуни.**

Ушбу ишнинг мақсади битта электр энергия манбай генератор ва учта юклама тугуллари 110 (220) кВ ли электр узатиш линиялари (ЭУЛ) билан ўзаро боғланган электр системасининг тургун ҳолати параметрларини аниқлашдан иборатdir (19-расм)

Тажриба ишини бажариш ўзгарувчан ток ҳисоблаш моделида олиб борилади.

Электр энергия ишлаб чиқарувчи тугун А, 19-схемада эквивалент Г генератор ва Т трансформатор сифатида шартли ифодаланган. 1,2 ва 3 юкламали тугуллар район микёсидаги икки трансформаторли пасайтирувчи подстанциянинг шиналаридан иборат, юкламаларнинг қиймати подстанциянинг паст кучланиш (ПК) томонида берилган.

Л-1,Л-2 линиялар икки тизимли, линия Л-3 эса бир тизимли бўлиб, уларнинг ҳаммаси пўлат-алюмин симларидан тайёрланган.



19-расм

**Назарий тушунча.**

Электр тармоғи элементларини 9линия.трасформатор ва бошқалар) микдорий ифодалаш учун уларнинг қийидаги параметрлар: ток, кучланиш.тўла ёки алоҳида актив ва реактив қувватлар қиймати билан аниқланадиган тургун ҳолатида кўрилади.

Тургун ҳолатни ҳисоблашдан мақсад унинг параметрларини кўрсатгачлари рухсат этилгандеклигини аниқлаш (кучланиш қийматлари, масалан изоляциянинг ишлаш шароити

бўйича; ток қийматлари-симларни қизиш шарти бўйича ва хоказо) ҳамда тармоқ элементларини тежамли ишлашини таъминлашдан иборат.

Тармоқнинг ҳар хил. нуқталаридаги қувват (ток) ва кучланишларнинг қийматларини аниқлаш, электр тармоғи элементинииг боши ва охиридаги қувватларни аниқлашдан бошланади. Бунда, юкламанинг қуввати ва элемент каршиликларида исроф бўлган қувват, ҳамда унинг ўтказувчанлигини таъсири, ўтказувчанликда исроф бўлган қувватни юклама қабул қиласидаги қувватга қўшиб ҳисобга олинади.

Актив ва реактив қувватларни симлар орқали узатиш ва трансформаторлар орқали кучланишни ўзгартириш, бу қувватларни ЭУЛ ларида ва трансформаторларда қисман исрофи билан боғлиқдир.

ЭУЛ участкасидаги симларнинг актив қаршилигага боғлик: актив қувват исрофи қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$\Delta P_x = \left( \frac{S}{U} \right)^2 R_x \cdot 10^{-3} ; [\text{kVt}]$$

бу ерда  $S$  - ЭУЛ участкаси боши ёки охиридаги тўла қувват, кВА

$U$  - ЭУЛ участкаси боши ёки охиридаги кучланиш, кВ

$R_x$  - линиянинг актив қаршилиги, Ом.

ЭУЛ участкасида реактив қувват исрофи симларнинг индуктив қаршилигига боғлик ва қуйдаги формула билан аниқланади:

$$\Delta Q_x = \left( \frac{S}{U} \right)^2 X_x \cdot 10^{-3} ; [\text{kVAp}]$$

бу ерда  $X_x$  - линиянинг индуктив қаршилиги, Ом

Сигимли ўтказувчанлик генерация қилаётпиш зарядли қувват  $Q_c = U^2 \cdot B$  линия участкасидаги реактив қувватни ва шу билан ундаги қувват исрофини камайтиради. 0,5  $Q_c$  зарядли қувват таъсирида юкламанинг реактив қуввати камаяди ва участка охиридаги қувват қуйидагини ташкил қиласиди.  $S'' = P_u + jQ_u$  Участка бошидаги қувват  $S' = S'' + \Delta P + j\Delta Q + 0.5 jQ_c$ , унинг охиридаги қувватдан линия симларида исроф бўлган қувват билан фарқ қиласиди.

Параллел ишловчи пта икки чулғамли трансформатордаги қувват исрофи қуйидага формула билан аниқланади:

$$\Delta P_{mp} = \frac{\Delta P_{kz}}{n} \left( \frac{S}{S_{nom}} \right)^2 + n \Delta P_{cio}$$

$$\Delta Q_{mp} = \frac{U_k}{100 n} \cdot \frac{S^2}{S_{nom}} + n \Delta Q_{cio}$$

бу ерда  $S$  - трансформатор юкламаси, кВА;

$S_{nom}$  - трансформаторнинг номинал қуввати, кВА;

$\Delta P_{kz}$  - қисқа туташишдаги актив қувват исроф, кВт;

$U$  - қисқа туташиш кучланиши, %

$\Delta P_{cio}$ ,  $\Delta Q_{cio}$  - салт юриш ҳолатидаги актив ва реактив қувватлар исрофи (кВт, ва кВАр)

Электр энергия тармоқ орқали узатилаётганда, унинг элементларида қувват исрофидан ташқари, тармоқнинг ишлаш ҳолатини миқдорий ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланган кучланишни пасайиши ҳам бўлади.

Линия бошидаги ( $U_1$ ) ва охиридаги ( $U_2$ ) кучланишлар бир бири билан қуйидаги муносабат орқали боғланган:

$$U_1 = \sqrt{\left( U_2 + \frac{P_2 R_x + Q_x X_x}{U_2} \right)^2 + \left( \frac{P_2 X_x - Q_x R_x}{U_2} \right)^2}$$

$$U_2 = \sqrt{\left( U_1 + \frac{P_1 R_x + Q_1 X_x}{U_1} \right)^2 + \left( \frac{P_1 X_x - Q_1 R_x}{U_1} \right)^2}$$

бу ерда  $P_1, Q_1, P_2, Q_2$  - күрилаётган линия участкаси боши ва охирига тегишли бўлган кувватлар.

### Тайёрланиш топшириғи

1. Ушбу қўлланма ёрдамида ўзгарувчан ток ҳисоблаш столининг баёни ва унда ишлаш услуби билан танишинг.ҳамда тавсия этилган адабиётни ўрганинг.

2. Линия учун П- шаклидаги, трансформатор учун Г- шаклидаги алмаштирув схемаларини қўллаб, ўрганилаётган электр тармоғининг алмаштирув схемасини тузинг.

3. Линия ва трансформаторнинг берилган параметрлари ёрдамида электр тармоғи алмаштирув схемасининг параметрларини ягона кучланиш (110 ёки 200 кВ) поғонасига келтириб ҳисобланг. Бунда, трансформатор ва линияларнинг актив ўтказувчанлиги ҳисобга олинмаслиги мумкин.


4. Моделлаш масштабларини танланг ва улар орқали алмаштирув схемасининг параметрларини қайта ҳисобланг.

5. Моделда ишлаш учун, 20-расмда кўрсатилган схемага ўхшаб ҳисоблаш схемасини тузинг ва унда, 4-бандда ҳисобланган параметрларнинг қийматларини кўрсатинг. Бунда линия учун сифами бор линия элементлари қўлланилади.

6. Ўлчов натижаларини ёзиш учун, 3.1 ва 3.2 жадвалларга ўхшаб жадваллар тайёрланг.

7. Масштаб орқали оригинал қийматга ўтказилган ҳолат параметрларининг қийматини ёзиш учун стрелкали алмаштирув схемали расмини таёrlанг. Бунда стрелкалар тармоқ учларида оқаётган қувват оқимини ва 1,2,3 тугунлардаги юкламаларни кўрсатади.

8. Текширув саволларига жавоб беринг.



3.1-жадвал

Тармоқ элементлари	$P'_{i-j}$ , мВт	$P''_{i-j}$ , Вт	$\Delta P_{i-j}$ , мВт	$Q'_{i-j}$ , мВАр	$Q''_{i-j}$ , мВАр	$\Delta Q_{i-j}$ , ВАр
Г-А						
А-1						
А-2						
2-3						
1-H1						
2-H2						
3-H3						

Тугун нүқталари (i)	Г	A	1	2	3	H1	H2	H3
U								

### Қисқача услубий түшүнчә.

1 Линия параметрларининг қиймати қуйидаги формулалар билан хисобланади:

$$R_n = \frac{r_0 \cdot l}{n} ; \quad X_n = \frac{x_0 \cdot l}{n} ; \quad \frac{B}{2} = \frac{b_0 \cdot l \cdot n}{2}$$

бу ерда  $r_0$ ,  $x_0$  - I км узунликдаги линиянинг актив ва индуктив қаршиликлари (маълумотномадан олинади)

$b_0$  - I км узунликдаги линиянинг сиғим ўтказувчанлиги;

$n$ -тизимлар сони.

Трансформаторларнинг юқори кучланиш томонига келтирилган пара-метрлари қуйидаги формулалар билан аникланади:

$$R_{mp} = \frac{\Delta P_{km} \cdot U_{\text{юк}}^2}{n \cdot S_{\text{ном}}^2} ; \quad X_{mp} = \frac{U_k \cdot U_{\text{юк}}^2}{n \cdot 100 \cdot S_{\text{ном}}}$$

бу ерда  $U_{\text{юк}}^2$  - трансформаторнинг юқори кучланиш томонидаги куч-ши;

$n$ -трансформаторлар сони\$

3.Линиянинг зарядли қуввати хисоблаш моделида сиғими бор линия элементлари билан ифодаланади. Линия сиғимининг қиймати модель масштабида ушбу формула орқали хисобланади:

$$C = \frac{Q_c (BAp \cdot \text{мод})}{U_u^2 \cdot 10 \cdot \omega} \cdot 10^6 [\text{мФ}]$$

бу ерда  $Q_c (BAp \cdot \text{мод})$  - линиянинг зарядли қувват (модель масштабида);

$U_h$  - тармоқнинг номинал кучланиши (модель масштабида)

$\omega$ -бурчакли частота ( $f = 196$  Гц - моделдаги частота)  $\omega = 2\pi f$

3. Қуйидаги масштаб коэффициентларини қўллаш тавсия этилади:

$$U_u = 110 \text{ кВ} \text{ бўйлганда } m_U = 2 \frac{\kappa B_{орг}}{B_{мод}} ; \quad m_Z = \frac{10 \text{ морг}}{1 \text{ Оммод}} ;$$

$$m_S = \frac{m_{U^2}}{m_Z} = 4 \frac{mB_{орг}}{B_{мод}} ;$$

$$U_u = 220 \text{ кВ} \text{ бўйлганда: } m_U = 4 \frac{\kappa B_{орг}}{B_{мод}} ; \quad m_S = 16 \frac{mB_{орг}}{B_{мод}} ;$$

$$m_Z = \frac{10 \text{ морг}}{1 \text{ Оммод}} ;$$

Электр тармоғи элементларида исроф бўлган актив қувватнинг йифиндиси схемадаги ҳар бир тармоқларнинг учларида ўлчанган қувватлар орқали аникланади. Йифиндини таъминлаш манбаи тармоқка бераётган умумий актив қувватга бўлиш керак.

Схемани йиғаётганда ва қувватларни ўлчаётганда қулагай бўлиши учун моделда схеманинг тугунли нүқталари йиғиладиган шиналарнинг тартиб номерлари хисоблаш схемасида кўрсатилади.

## **Ишни бажариш тартиби.**

1.Кўрилаётган системанинг алмаштирув схемасини ҳисоблаш столида йиғинг ва элементларнинг керакли параметрларини ўрнатинг.Бунда электр энергия манбасини моделлаётган генератор станциясининг қаршилиги нолга teng қилиб ўрнатилади.Бу генератор шинасида ўзгармас кучланиш бўлишини таъминлайди.

2.Турғун ҳолатни ўрнатиш кетма-кет яқинлашиш усулида амалга оширилади. Генератор станциясининг шинасида берилган кучланишда қўйиб , юклама элементларида берилган қувватларнинг қиймати ўрнатилади. Биринчи яқинлашишда ҳосил бўлган ҳолатдан сўнг, юкламали элементлар берилган қувватларни олишига ва генератор станциясининг шинасида ўзгармас кучланиш бўлишига эришиш учун,турғун ҳолатга иккинчи яқинлашиш бошланади.

Турғун ҳолат ўрнатилгандан сўнг схеманинг кўрсаткич қўйилган нуқталарида (21-расм) қувват ва кучланишлар ўлчанади ва улар,3.1 ва 3.2 - жадвадларнинг тегишли устунларига ёзилади. Бунда,схеманинг тугунли нуқталарида актив ва реактив қувватларнинг мувозанатда бўлишига ётибор берилади.

Ҳолат параметрларининг ўлчанган қийматини оригинал қийматга ўтказинг ва бу қийматларни тайёрланган жадвадларнинг тегишли устунига ва алмаштирув схемасига ёзиб қўйинг.

Линия ва трансформаторларда исроф бўлган актив ва реактив қувватлар исрофини ҳисобланг ва 3-жадвалнинг тегишли устунига ёзинг.

Электр тармоғида исроф бўлган актив қувватнинг йиғиндисини ва уни тармоқ орқали узилаётган қувватнинг қанча қисмини ташкил қилишини ҳисобланг.

Бажарилган иш буйича ҳисботот ёзинг.

## **Иш натижадарини расмийлаштириш.**

Моделдаги турғун ҳолат параметрлари масштаб коэффициентлари орқали оригиналга ўтказилади ва олинган маълумотлар турғун ҳолат схемасига моделлаштириш жараёнига бир нечта ўзгаришлар билан (21-расм) қўйилади.

Зарядли қувват модел масштабида оригиналга қўйидаги ифода ёрдамида ўтказилади:

$$Q_{c(opc)} = \frac{C_{(mod)} \cdot U_{xak(mod)} \cdot \omega}{10^6} \cdot m_s, [mVAp]$$

бу ерда  $C_{mod}$  - модельда йиғиладиган сифимнинг қиймати, мфда.

Иш ҳисботида қўйидагилар кўрсатилади:


-ўрнатилаётган электр тармоғининг схемаси ва параметрлари;

-электр тармоғининг модельда йиғиладиган алмаштирув схемасида линияли, трансформаторли ва юкламали элементларнинг тартиби ҳамда элементларнинг модельда ўрнатилган қаршиликларининг қиймати кўрсатилади;

-модельда ўлчанган ва оригиналга ўтказилган қувват ва кучланишларнинг қиймати; улар электр тармоғининг схемасига ёзилган ёки жадвал тарзида келтирилган бўлиши керак;

-линия ва трансформаторлардаги қувват исрофининг қиймати ҳамда электр тармоғи орқали узатилган қувватга нисбатан исроф бўлган қувватнинг йиғиндисини киймати;

-иш натижаларининг таҳлили ва холосалари.



### ТЕКШИРУВ САВОЛЛАРИ

1. Ўзгарувчан ток ҳисоблаш столи қандай тузилган ва қандай элементлардан ташкил топган?
2. Ўзгарувчан ток моделида ишилаётган масштаб коеффициентлари қандай танланади?
3. Агар моделнинг иш частотаси 50 Гц дан фарқ қиласа, X ва C параметрларнинг қиймати қандай аниқланади?
4. Ўрганилаётган электр тармоғининг турғун ҳолати қандай ўрганилади?
5. Электр тармоғининг линия ва трансформаторларида кучланиш йўқотилиши ва қувват қандай аниқланади?

3.3 - жадвал

U <sub>ном</sub> кВ	Трансформаторларнинг номинал куввати, МВА				Юкламалар, МВА			Линиянинг узунлиги(км) кесим юзаси (мм <sup>2</sup> )		
	S <sub>номT1</sub>	S <sub>номT2</sub>	S <sub>номT3</sub>	S <sub>H1</sub> /cosφ <sub>1</sub>	S <sub>H2</sub> /cosφ <sub>2</sub>	S <sub>H3</sub> /cosφ <sub>3</sub>	F <sub>1</sub> / I <sub>1</sub>	F <sub>2</sub> / I <sub>2</sub>	F <sub>3</sub> / I <sub>3</sub>	F <sub>4</sub> / I <sub>4</sub>
110	2x40	2x16	2x10	2x10	15/0.9	10/0.8	10/0.95	150/25	240/15	120/25
	2x40	2x10	2x16	2x10	10/0.9 5	15/0.8	10/0.8	120/20	240/25	120/30
	2x32	2x10	2x10	2x10	10/0.8	10/0.8	10/0.9	120/30	150/15	120/25
	2x32	2x16	2x10	2x6.3	15/0.9 5	10/0.9	5/0.8	150/25	120/25	95/30
	2x40	2x10	2x25	2x6.3	10/0.8 5	20/0.8	5/0.9	120/15	240/30	240/35
220	2x125	2x32	2x63	2x32	40/0.8 5	55/0.9	40/0.85	300/50	400/30	240/50
	2x100	2x32	2x32	2x32	30/0.9	40/0.95	25/0.85	240/45	400/40	240/45
	2x125	2x63	2x32	2x32	60/0.9	35/0.85	40/0.9	300/60	300/35	240/60
	2x160	2x63	2x80	2x32	60/0.8 5	75/0.9	35/0.95	500/35	500/50	240/55
	2x160	2x80	2x63	2x32	70/0.9	75/0.85	30/0.85	400/30	400/45	240/40


**4-ТАЖРИБА ИШИ  
ОДДИЙ БЕРК 110/220 КВ ЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОГИНИНГ ТУРҒУН  
ХОЛАТИНИ ЎРГАНИШ**

**Ишнинг мақсади ва мазмуни**

Ишнинг мақсади район типидаги битта (халқасимон вариантда) ва иккита (икки томонлама таъминланадиган линия) элаектр энергия ишлаб чиқарувчи (генератор) элементларидан ташкил берган тармоғининг турғун ҳолатини таҳлил қилишдан иборат. (22-расм)

Кўрилаётган электр тармоғи электр энергия ишлаб чиқарувчи элементлардан ташқари 3 та юкламалар элементини (подстанциялар) ва 4та электр узатиш линияларини (110 ёки 220 кВ ли) ўхичига олади.

Электр энаергия ишлаб чиқарувчи тугун (A) электр станцияларининг юқори кучланиш (ЮК) шинаси сифатида ифодаланган.



Халқасимон электр тармоғининг ва 2 манбалик линиянинг турғун нормал ҳолати  $\dot{U}_{r_1} = \dot{U}_{u_2}$  ва  $\dot{U}_{r_1} \neq \dot{U}_{u_2}$  бўлганда ўрганилиши лозим.

Подстанция юкламаларининг кувват коеффициентлари ҳамма ҳолатда ўзгармас деб олинади ( $\cos\phi \neq 1$ ).

**Назарий қисм**


Берк электр тармоқлари деб ҳамма истеъмолчилари камида икки манбадан электр энергия олувчи тармоқларга айтилади.

Бир манбалик берк тармоқлар узлуксиз таъминотни фақат электр тармоғининг айрим қисмларида (участкаларида) авария бўлганда таъминлайди, агар авария манбада бўлса таъминланмайди.

Берк электр тармоқларининг айрим участкаларидаги (қисм) қувватлар тақсимланишини ЭНА (электротехникани назарий асослари) курсидан маълум бўлган маҳсус ҳисоблаш усуллари топиш мумкин.

Агар бир контули содда схема бўлса қўйидаги усул кўлланилади;

Халқали тармоқ хаёлан генератор бўйича бўлинади ва икки томонлама таъминланадиган линия ҳосил бўлади. Бунда иккала манбада (A ва B) ҳам кучланишлар бир хил бўлади. (23-расм)



*23-рasm*

Бир манбадан келаётган қувват топилса, Кирхгофнинг 1-конуни ёрдамида ҳамма участкалардаги қувватлар топилади.

Икки томонлама таъминланадиган линияларда, 1,2,3 истеъмолчилар электр энергияни L,P ва U ларга боғлиқ ҳолда, А ёки В пунктлардан олишлари мумкин, лекин юкламалар қувватларининг йифиндиси таъминловчи пунктлардан чиқувчи қувватлар йифиндисига тенг бўлиши керак.

3-нчи нуқтадаги истеъмолчи нормал ҳолатда икки томондан таъминланади: истеъмолчи икки томондан электр энергия билан таъминланувчи нуқта, токнинг бўлиниш нуқтаси деб аталади ва схемада  $\nabla$  белгиси билан белгиланади.

Актив ва реактив қувватлар (токлар)нинг булиниш нуқталари умумий ҳолда устма-уст тушмаслиги мумкин.

Берк тармоқларни ҳисоблаш, очиқ тармоқларни ҳисоблашдан, асосан ток бўлиниш нуқталарини топиш билан фарқ қиласи, сўнгра эса улар, очиқ тармоқлар учун қурилган усууллар билан ҳисобланади.

Икки томонлама таъминланадиган линияларда, манба пунктларидан чиқувчи қувватлар (токлар), L,P ва U ларга боғлиқ ҳолда куйидагича аниқланади:

$$\dot{S}_{r1} = \frac{\dot{U}_{r1} - \dot{U}_{r2}}{Z_{AB}} U_H + \frac{\sum \dot{S} \cdot Z'}{Z_{AB}} \quad (1)$$

$$\dot{S}_{r2} = \frac{\dot{U}_{r1} - \dot{U}_{r2}}{Z_{AB}} U_H + \frac{\sum \dot{S} \cdot Z}{Z_{AB}} \quad (2)$$

бу ерда  $Z'$  - юклама тугуни билан қарши томондаги манба (B) орасидаги тармоқ қисмлари йифиндиси (масалан, I-юклама тугуни учун 1-2- ва 3-B қисмлар қаршиликларининг йифиндиси);

$Z$  - юклама тугуни билан A манба орасидаги қисмлари қаршиликларининг йифиндиси;

$Z_{AB}$  - икки томонламам таъминланадиган умумий каршилиги.

Агар, таъминловчи пунктларнинг кучланишлари бир-бираiga тенг бўлса, яъни  $\dot{U}_{r1} = \dot{U}_{r2}$ , унда (1) ва (2) ифодалар қуйидагича бўлади.

$$\dot{S}_{r1} = \sum \dot{S} \cdot Z' / Z_{AB}; \quad \dot{S}_{r2} = \sum \dot{S} \cdot Z / Z_{AB} \quad (3)$$

## **Тажриба ишини бажариш учун вазифа.**

Курсатилған ҳар қайси ҳолатлар (Берк тармоқ ва икки томонлама таъминланадиган линиялар) учун қуидагилар аниқланиши керак;

- 1.1 Тармоқдаги хар бир линиянинг боши ( $P'$ ,  $Q'$ ) ва охири ( $P''$ ,  $Q''$ ) даги актив ва реактив қувватларнинг қиймати;
- 1.2 Тармоқ линияларидаги актив ва реактив қувватлар исрофининг қиймати;
- 1.3 1,2,3 подстанцияларнинг Ю,К шииасидаги кучланишлар кийматининг модули.

Аниқланган параметрларнинг натижасига кўра, электр тармоғининг ишлаш ҳолатига боғлиқ бўлган қуидагиларнинг ўзгариши таҳлил қилинади:

- кучланишлар ;
- тармоқ линиялари ва трансформаторлардаги актив ва реактив қувватлар исрофининг йиғиндиси.

## **Тайёрланиш учун вазифа**

- 2.1. Тажриба ишининг баёнини ва тавсия этилган адабиётни ўрганинг.
- 2.2. Линия учун П-кўринишвдаги алмаштирув схемасини қўллаб электр тармоғининг алмаштирув схемасини тузинг. Бунда, трансформаторнинг актив қаршилиги ва ўтказувчанлиги хисобга олинмаслиги мумкин.
- 2.3. Гопшириқда берилган линияларининг  $r_0, x_0$ , қийматларини қўллаб (4.2-жадвал) линияларнинг алмаштирув схемасидаги параметрларни аниқланг.
- 2.4. 1,2 ва 3 подстанцияларнинг ЮК томонига келтирилган юкламаларини аниқланг.
- 2.5. Кучланиш, қаршилик ва қувват бўйича моделлаш масштабларини аниқланг.
- 2.6. 2.3-2.5 бандлар натижалари орқали ва танланган моделлаш масштабларига асосан, модел элементларининг параметрларини, ҳамда нормал ҳолат учун 1,2,3 тугунлардаги юкламаларнинг кийматини аниқланг.
- 2.7. Моделда териш учун алмаштирув схемасини (27,25- расмлар) тузинг ва унда 2.6 - бандда аниқланган параметрларнинг кийматинн кўрсатинг. Бунда электр тармоғи линияларини кўрсатиш учун сифими бор линия элементлари қўлланишига эътибор беринг.
- 2.8. Хар қайси ўрганилаётган нормал ҳолат учун, олинган тажриба натижалари ва уларнинг масштаб коэффициенти орқали оригиналга ўтказилган, қийматларни ёзиш учун жадвал тайёрланг.
- 2.9. Масштаб орқали оригинал қийматга ўтказилган ҳар қайси ўрганилган ҳолат параметрларининг қийматлари (қувватлар, тугундаги кучланишларнинг модули) ҳамда хамма бўйлама тармоқ учларидаги қувват оқимларини ва 1,2,3 тугунлардаги юкламани кўрсатиш учун стрелкалиси йўналтирилган алмаштирув схемасини тузинг

## **Ишни бажариш тартиби**

- 3.1 Тайёрланган алмаштирув схемасига ( 24 ва 25-расмлар ) асосан ишни бажариш учун моделда керакли элементларни танланг ва схемада уларнинг тартиб номерини ёзиб кўйинг. Н1,Н2,Н3 элементлар учун истеъмол қилиниётган қуватни ноавтаматик усуслда ўзгартирасдан ушлаб турувчи юкламали элементларни қўлланг.

3.2 Камутация ( йифма ) панелида шиналарни танланг ва алмаштирув схемасида уларнинг тартиб номерини кўрсатинг.

3.3 Тармоқнинг нормал ишлаш ҳолатини ўрганиш учун халқасимон схемасини стендда йиғинг.

3.4 2.6 банда аниқланган актив индуктив қаршиликлар ва сифимларнинг қийматларини ЭУЛ 1 – ЭУЛ 4 ларга ўрнатинг. Н1-Н3 юкламали элементларда актив ва реактив қувватларнинг қийматларини қўйинг.

3.5 Моделида йиғилган схеманинг тўғрилиги ўқитувчи томонидан текширилгандан сўнг, генератор кучланишини ўзгартирасдан, юклама элементларидаги қувватларни ўрнатинг.

3.6 4.1 жадвалда кўрсатилган ҳолат параметрларини ўлчанг ва берилган ҳолатда уларни жадвал қаторига ёзинг.

3.7 Таъминлаш манбасидан халқасимон тармоқни бўлинг ва 2 томонлама таъминланадиган линия схемасини ҳосил қилинг.  $\dot{U}_{r_1} = \dot{U}_{r_2}$  ва  $\dot{U}_{r_1} \neq \dot{U}_{r_2}$  бўлган ҳолат учун қувватни ўлчанг ва уларни 4.1-жадвалнинг графасига ёзинг.  $\dot{U}_{r_1} = \dot{U}_{r_2}$  бўлганда, А ва В манбадан чиқаётган қувватлар (25-расм) 3.6 бандда хисобланган халқасимон вариантдаги Л-1 ва Л-2 даги қувватларга тенг бўлиши керак (жадвал 4.1 га қаранг). Агарда бундай тенглик бўлмаса, унда потенциометр «Е» ва сельсин «фаза Е» (расм) ёрдамида шундай тенгликни ўрнатиш мумкин.

3.8 Ҳамма ўрнатилган ҳолатлар учун ўлчангандан ҳолат параметрларининг қийматларини оригинал катталигига (қийматига) қайтадан хисобланг ва бу кайта хисобланган қийматларни тайёрланган жадвалларга ёзиб алмаштирув схемасида уларни кўрсатинг.

3.10 Бажарилган иш бўйича ҳисбот тузинг.

## Услубий кўрсатма

4.1 Электр узатиш линиясининг (ЭУЛ) П-шаклидаги алматириув схемаси параметрлариуни тақсимланганлигини хисобга олмаган ҳолда аниқланади, яъни  $R_z = r_0 \cdot l$ ,  $X_z = x_0 \cdot l$ ,  $B_z = b_0 \cdot l$

4.2 Масштаб коефициентлари қуидагича олинади:

$$U_u = 110 \text{ kV} \text{ бўлганда } m_U = 2 \frac{\kappa \text{Ворг}}{\text{Вмод}} ; \quad m_Z = \frac{1 \text{Оморг}}{1 \text{Оммод}} ;$$

$$m_S = \frac{m_U^2}{m_Z} = 4 \frac{\text{мВАорг}}{\text{ВАмод}} ;$$

$$U_u = 220 \text{ kV} \text{ бўлганда: } m_U = 4 \frac{\kappa \text{Ворг}}{\text{Вмод}} ; \quad m_S = 16 \frac{\text{мВАорг}}{\text{ВАмод}} ;$$

$$m_Z = \frac{1 \text{Оморг}}{1 \text{Оммод}} ;$$

Таъминловчи манбалардаги кучланишлар бир биридан фарқ қиласа мувозанатловчи қувват ушбу ифода билан аниқланади:  $(U_{r_1} - U_{r_2}) \cdot U_u / Z_{ae}$  ва унинг қиймати моделда ўлчангандан қиймат билан солиштирилади.

4.4 Тармоқ. линияларида исроф болган қувватнинг йиғиндиси схема тармоқларнинг ҳар бир учларида ўлчангандан қувватларнинг қийматлари билан аниқланади ва тармоқка тамиланаётган манба бераётган умумий актив қувватга нисбатан олиш керак

## **Натижалар таҳлили**

Тажриба натижаларига асосланиб қуидаги саволлар бўйича хulosha чиқариш лозим.

Таъминловчи манба кучланишларининг фарқи қўйдагиларга қандай таъсир қиласди:

-тармоқ. линияларида исроф бўлган ҳажми актив қувват йигиндининг қийматига;

-1,2,3 тугунлардаги кучланишлар қийматига;

-тармоқ.да исроф бўлган ва генерация қилинаётган реактив қувватлар нисбатига.

Текширув саволари

Ишнинг назарий қисми бўйича

1. 110,220 кВ ли тармоқ. участкаларида кучланиш пасайиши векторининг бўйламасига ва қўндалангига таркибий ( қисмлари ) ўзаро қандай нисбатда бўлади?

2. Икки чулғамли трансформатор подстанциясининг «келирилган» ва «хисобланган» юкламалари тушунчалари бир биридан нима билан фарқ. қиласди?

3. Бир номинал кучланишли тармоқ.ларда исроф бўлган хамма ва генерация қилинадиган ( Qсл ) реактив қувватлар нисбати қандай ўзгариади?

-таъминланадиган манбаларда кучланишлар ўзгарганда.

-подстанциянинг ПК шинасидаги юкламалар энг катта қийматдан энг кичик қийматига ўзгарганда.

## **Стенднинг иши бўйича**



1. Ушбу ишда моделлаш коефициентлари қайси нуқтаи назардан танланади?

2. Н1,Н2,Н3 юклама элементларининг параметирларини ўрнатиш жараёни қандай кетма-кетликда амалга оширилади?

3. Тамиловчи кучланишларида фарқ. бўлса мувозанатловчи қувват қандай аниқланади?

4.2-жадвал

U <sub>ном</sub> кВ	Трансформаторнинг номинал қуввати, МВА			Юкламалар, МВА			Линиянинг узунлиги (км) ва кесим юзаси (мм <sup>2</sup> )			
	S <sub>номT1</sub>	S <sub>номT2</sub>	S <sub>номT3</sub>	S <sub>H1</sub> /cosφ <sub>1</sub>	S <sub>H2</sub> /cosφ <sub>2</sub>	S <sub>H3</sub> /cosφ <sub>3</sub>	F <sub>1</sub> / l <sub>1</sub>	F <sub>2</sub> / l <sub>2</sub>	F <sub>3</sub> / l <sub>3</sub>	F <sub>4</sub> / l <sub>4</sub>
110	2x25	2x16	2x16	30/0.8	20/0.8	15/0.9	150/35	150/35	95/25	95/30
	2x40	2x25	2x10	50/0.75	95/0.9	15/0.95	240/40	150/35	120/30	95/25
	2x40	2x32	2x16	35/0.85	40/0.9	20/0.8	240/50	150/40	120/25	120/20
	2x32	2x25	2x25	40/0.8	30/0.95	35/0.9	150/45	240/25	120/30	95/20
	2x25	2x32	2x10	35/0.75	45/0.9	15/0.95	150/40	150/30	120/35	95/25
220	2x80	2x63	2x32	90/0.9	75/0.75	40/0.8	500/60	300/35	240/50	300/40
	2x63	2x80	2x25	8/0.8	95/0.85	35/0.9	300/80	400/70	300/45	240/45
	2x80	2x32	2x32	95/0.95	45/0.9	40/0.8	400/75	300/65	240/60	300/50
	2x63	2x32	2x25	70/0.75	35/0.6	30/0.95	300/70	400/60	240/55	240/45
	2x80	2x63	2x63	90/0.9	75/0.75	70/0.95	500/65	300/60	240/40	240/55



## 5-ТАЖРИБА ИШИ

110; 220 кВ ЛИ РАЙОН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИДА КУЧЛАНИШНИ ВА  
РЕАКТИВ ҚУВВАТ БАЛАНСИНИ РОСТЛАШ.


### Ишнинг мақсади

Ишнинг мақсади 110-220 кВ ли радиал тармоқда турғун холат параметрларини аниқлашдан, трансформаторларнинг трансформациялаш коеффициентини ростлашга ва реактив қувватни компенсациялашга асосланган холда подстанция шиналаридағи кучланишнинг даражасини текширишдан иборат.

### Назарий түшүнчә

Электр ускуналарини керакли даражадаги кучланиш билан таъминлаш, истеъмолчилярни электр билан таъминлашдаги қўйиладиган асосий талаблардан биридир. ЕУИК нинг талабларига асосан истеъмолчилярда кучланишни номиналдан оғиши 5%атрофида рухсат этилади.

Электр системаси тармоқларида реактив қувватни тенглаштириш ва кучланишни ростлаш вазифалари, ходисаларини физик хусусияти бўйича ва вазифаларни ечиш учун қўлланиладиган техник воситалар бўйича хам бир-бирига боғлиқдир. Реактив қувватни линия бўйича узатиш одатда фойдали эмас, чунки у қўшимча актив ва реактив қувватларнинг исрофи билан боғлиқдир.



Замонавий электр системаларида, умумий холларда, кучланишни ростлаш учун энг тежамли ва қулай бўлган воситалар РПН ли трансформаторлар ва автотрансформаторлар ёки волт қўшувчи трансформаторлардир.

Реактив қувватнинг асосий қўшимча манбай, асосан сифимли батареялар ҳисобланади, лекин кучланиши юкори бўлган ( 110-220кВ ) подстанцияларда, айрим холларда, синхрон конпенсаторлар қўлланилиши керак бўлади. Конпенсацияловчи ускуналарнинг ўрнатилган қуввати электр системасидаги ёки ўрганилаётган тармоқдаги реактив қувватнинг тенглик шарти билан аниқланади. Компенсацияловчи ускуналар электр тармоқларидағи кучланишни созлашга хам таъсир қиласди.

Лаборатория ишини бажаришдан олдин студентлар ўзгарувчан ток ҳисоблаш столининг баёни билан танишишлари лозим.

### Тажриба ишини бажариш учун вазифа

Подстанцияларнинг энг катта ва энг кичик юкламили ҳолатларида, (ЭУИК) нинг шартига асосан подстанциянинг ПК шинасида кучланишнинг керакли даражасини ростлаш ускуналари асосида қарама-карши ростлаш принциплари ёрдамида таъминланг.

Булар асосан:

- трансформаторларнинг трансформациялаш коеффициентини ўзгариши;
- реактив қувватни компенсациялаш:


2.Линиялардан бири шикастланиши натижасида ўчирилганда.подстанцияда энг катта юклама бўлган давр учун, трансформациялаш коеффициентини ўзгартириш ва сифимли батареяларни улаш ёрдамида подстанциянинг ПК шинасида кучланишни керакли даражасини таъминланг.

## Тайёрланиш учун вазифа

Тажрибани бажариш учун уйда қуидагиларни тайёрлаш лозим:

1.1 Тажриба ишининг баёнини ва тавсия этилган адабиётларни ўрганинг.

1.2 Линия учун П-кўринишдаги алмаштирув схемани қўллаб тармоқнинг алмаштирув схемасини тузинг (27-расм). Бунда, линиянинг актив ўтказувчанлиги ва трансформаторнинг актив қаршилиги ва ўтказувчанлиги ҳисобга олинмаслиги мумкин.



27-расм. Ўрганилаётган тармоқнинг алмаштирув схемаси.

1.3 Линиянинг тизимлар сонини ҳисобга олиб, унинг алмаштирув схемаси параметрларини аниқланг:

$$R_z = \frac{r_0 \cdot l}{2} ; \quad X_z = \frac{x_0 \cdot l}{2} ; \quad \frac{B}{2} = \frac{b_0 \cdot l}{2} = b_0 \cdot l$$

бунда,  $r_0$ ,  $x_0$ , - ўрганилаётган линия I км ининг актив ва индуктив қаршиликлари (маълумотномадан олинади)

$b_0$  - ўрганилаётган линия I км ининг реактив ўтказувчанлиги.

1.4 Трансформаторларнинг юқори кучланиш томонига келтирилган параметрларини қуидаги ифодалар ёрдамида ҳисобланг:

$$X_{mp} = \frac{U_K \cdot U_{IOK}^2}{100 \cdot S_{TH} \cdot n} ; \quad R_{TP} = \frac{\Delta P_K \cdot U_{IOK}^2}{n \cdot S_{TH}^2} ;$$

бу ерда,  $U_K$  - қисқа туташув кучланиши;

$\Delta P_K$  - қисқа туташув қувватининг исрофи;

$U_{IOK}$  - трансформаторнинг юқори томонидаги кучланиши;

$n$ - трансформаторлар сони;

$S_{TH}$  - трансформаторнинг номинал қуввати;

1.5 Моделлаш масштабларини танланг. Қуидаги моделлаш коэффициентларини қўллаш тавсия қилинади:

$$U_u = 110 \text{ kV} \text{ бўлганда } m_U = 2 \frac{\kappa B_{орг}}{B_{мод}} ; \quad m_z = 1 \frac{O_{морг}}{O_{ммод}} ; \quad m_s = \frac{m_U^2}{m_z} = 4 \frac{m_{B_{орг}}}{B_{Амод}}$$


$$; \\ U_u = 220 \text{ kV} \text{ бўлганда: } m_U = 4 \frac{\kappa B_{орг}}{B_{мод}} ; \quad m_z = 1 \frac{O_{морг}}{O_{ммод}} ; \quad m_s = 16 \frac{m_{B_{орг}}}{B_{Амод}} ;$$

1.6 1.3-1.5 - бандларнинг натижалари бўйича ва танланган моделлаш коэффициентлари асосида модел элементларининг параметрларини, ҳамда ва юкламалар қувватини кўрилаётган 2 та нормал ҳолат учун аниқланг.

1.7 Энг катта ва энг кичик юкламалари ҳолатлар учун, электр узатишнинг нормал ҳолатида кучланишни қарама-қарши ростлашни ҳисобга олган ҳолда, подстанциянинг

10 кВ шинасидаги кучланишнинг  $U_{2\text{ кат}}^*$  ва  $U_{2\text{ кич}}^*$  керакли даражасини аниқланг. Бу кучланишлар асосий трансформациялаш коэффициенти орқали юқори кучланиш томонига келтирилади ва кучланиш масштаби ёрдамида модел параметрига ўтказилади.

1.8 Моделда териш учун алмаштирув схемасини тузинг (28-расм) ва унда 1.6 бандда аниқланган параметрларининг қийматини кўрсатинг. Бунда, тармоқ линияларини кўрсатиш учун сифими бор линия элементларни кўллаш кераклигини ҳисобга олинг.



28-расм. Моделда йиғилган электр узаттичнинг схемаси.

1.9. Ўрганилаётган ҳар бир нормал ва шикастланишдан сўнгти ҳолатлар учун тажриба натижаларини ёзиш мақсадида жадвал тайёрланг.

1.10. Масштаб ёрдамида оригинал катталикка ўтказилган параметрлар қийматларини (тугунлардаги қувватлар ва кучланиш модуллари) кўрсатиш учун ҳар қайси ўрганилган ҳолатга алмаштирув схемани 3 та тасвирини тайёрланг.

### 1.11 Текшириш саволларига жавоб беринг.

№	Ҳолат							
1	Энг кичик юкламалар ҳолати							
2	Энг катта юкламалар ҳолати							
3	Авария ҳолати (ЭУЛнинг 1 занжирини ўчирилиши)							

### Ишни бажариш тартиби

2.1 Тайёрланган алмаштирув схемага (28-расм) асосан иш учун керак бўладиган элементларни стендда йиғинг ва уларнинг тартиб рақамини схемада кўрсатинг. Н1 элемент сифатида қувватни ноавтоматик ростловчи юкламали элементларни ишлатинг.

2.2 Элементларни улаш учун стенд моделининг йиғувчи панелида шиналарни танланг ва уларнинг тартибини алмаштирув схемасида кўрсатинг.

2.3 Тармоқнинг нормал иш ҳолатини ўрганиш учун стендда схемани йиғинг.

2.4 1.6-бандда аниқланган актив ва реактив қаршиликлар, ҳамда сифимнинг қийматларини электр узатиш линияси элементларида ўрнатинг. Юкламали элементда ҳам актив ва реактив юкламалар максимал қийматларини уларни параллел уланган ҳолати учун кўйинг.

2.5 Моделда йигилган схеманинг тўғрилигани ўқитувчи текширгандан сўнг, А тугундан ЭУЛ нинг тармоғини узинг (28-расм).

2.6 В тугундан Н1 юклами элементни узинг ва уни А тугунга уланг. Г1 да индуктив қаршиликнинг ноль қийматини қўйинг ва ҳамма потенциометрларни ноль ҳолга келтириш. Стенд манбасини ва Г-1 генератор станциясини уланг.

2.7 Г-1 станция э.ю.к. ни ростлаб туриб, ўрганилаётган ҳолатларнинг биринчиси учун ( $P = 1,0$ ) юклама шинасида кучланишнинг керакли қийматини урнатинг. Бу кучланишни доимий ушлаб ва асблор ёрдамида текшириб, юклами элеменларда актив ва реактив юкламаларнинг керакли қийматларини қўйинг.

2.8 Тармок схемасининг дастлабки ҳолатини тикланг.

2.9 Г-1 генератор станциясини уланг ва  $U_k = 1,05 \cdot U_{nom}$  Г қийматини доимий сақлаб, берилган нормал ҳолатни ( $P = 1,0$ ) ўрнатинг.

2.10 5.1-жадвалга асосан тармоқ тугуларидағи кучланишларни ўлчанг. Ҳар қайси подстанциядаги трансформаторнинг трансформациялаш коэффициентини ўзгар-тириб, юклама шинасида кучланишнинг ЭУИК шартига мос У қийматини қўйинг, кучланишни қайтадан ҳисоблаш трансформаторнинг ҳақиқий трансформациялаш коэффициенти орқали амалга оширилади. Кучланишнинг керакли даражасини таъминловчи трансформаторнинг шахобчаси (отпайкаси) белгисини 5.1-жадвалга киритинг.

2.11 Электр узатувчи линиянинг (ЭУЛ) бошидаги актив ва реактив қувватларини ўлчаб, берилган ҳолат учун соф ни аниқланг. Линия охиридаги актив ва реактив қуваттларни аниқланг ва бу қийматларни 5.1- жадвалга киритинг.

2.12 Ўлчовларни олиб боргандан сўнг, энг кичик ва шикастланишдан сўнгги ҳолатлар учун, 2.10;2.11-бандларни қайтаринг ва 5.1-жадвалга киритинг.

2.13 Вазифа тўла бажарилгандан сўнг олинган натижалар қайта ишланилади ва тармоқнинг оригинал параметрларига келтирилади.

### Қисқача амалий кўрсатма

3.1 Трансформатор элементларида дастлаб асосий трансформациялаш коэффициенти ўрнатилади.

3.2 Юклама қувватлари учун уйда ҳисоблантан қийматлар олинади. Ҳар қайси ҳолатнинг қониқарли даражада ўрнатилишининг мезони-трансформациялаш коэффициентининг ростлаш поғоналарида амалга оширса бўладиган аниқлик билан  $U_{1,mod}^*$  ва  $U_{2,mod}^*$  кучланишларни берилган даражасини ушлаб туришдир.

3.3 Компенсациялаш шахобчасидаги сифимнинг қиймати моделда қуидаги ифода билан аниқланади.

$$C_{KV}^{Mod} = \frac{Q_{opr}}{m_s \cdot 2\pi \cdot f_{nom}^{mod} (U_{nom}^2)} ; \text{ бу ерда } f_{nom}^{mod} = 200 \text{ Гц}$$

Ўзгарувчан ток ҳисоблаш столи дастгохининг олдинги қисмида жойлашган С-11 ва С-31 сифимлар кўлланилади. Бунда, сифимнинг пастки учини ерга улаш учун туташтиргич кўлланилиши лозим. Подстанциядаги компенсацияловчи ускунанинг қуввати тахминан қуидагича аниқланади:

$$Q_{KV} = P_A \cdot \operatorname{tg} \varphi_{a,kerak} - Q_1$$

Моделдаги трансформаторли элементнинг ҳақиқий трансформаторлаш коэффициенти нисбий қиймати қуидаги ифода ёрдамида аниқлаанди :

$$K_T = 1 - \Delta K_{po} + \Delta K_{pp}$$

бу ерда,  $\Delta K_{po}$ ,  $\Delta K_{pp}$  - ЮК ва ПК чулғамлар шахобчаларининг ўзгаришига мос трансформациялаш коэффициентига «қўшимчалар» нинг нисбий қиймати.

Агар масалан, ЮК чулғамининг штеккери «-2,5%» уяга қўйилган бўлса, ПК чулгаминиги эса «-10 %» уяда бўлса, унда Кт нисбий қиймати қуидагича бўлади :

$$K_t = 1 - (-0.025) + (+0.1) = 1.125$$

Тармоқ подстанцияларининг ПК шинасидаги кучланишларнинг хақиқий қиймати қуидагича ифода орқали аниқланади:

$$U_{\text{ном}}^{\text{опр}} = m_U \cdot U_n^{\text{мод}} \cdot K_T^{\text{мод}} \cdot \frac{U_n^{\text{опр}}}{U_{\text{точ}}} / U_{\text{точ}}^{\text{опр}}$$

бу ерда  $U_n^{\text{мод}}$  -ПК шинасидаги кучланишнинг келтирилган қиймати.

$U_n^{\text{опр}}$        $U_{\text{точ}}^{\text{опр}}$  -ПК ва ЮК чулғамларнинг асосий шахобчасининг кучланишлари.

### **Натижалар таҳлили .**

Тажриба натижаларининг таҳлилига асосланиб, қуидаги саволлар бўйича хулоса чиқариш керак.

а) Тармоқ подстанциясидаги истеъмолчиларнинг ишлаш ҳолати подстанциянинг ПК шинасидаги кучланиш қийматига қандай тасир кўрсатади?

б) Трансформаторнинг трансформациялаш коеффициентини ўзгартириш подстанциянинг ПК шинасидаги кучланиш даражасига қандай таъсир кўрсатади?

в) подстанциянинг ПК шинасидаги реактив қувватни компенсациялаш нимага олиб келади ( тармоқ тугунларида кучланишлар даражаси, трансформациялаш коеффициентини ўзгариш чегараси, тармоқ элементларда актив ва реактив қувватларни исрофи ) ?

г) Нормал ҳолатдан электр узатгичнинг бир занжирини узганда пайдо бўладиган шикастланишидан сўнги ҳолатга ўтиш, ҳолат параметрларини қандай ўзгаришига олиб келади?

Келтирилган саволлар бўйича хулоса хисботнинг тегишли бўлимида ёзма равишда баён қилинади.

### **Синов саволлари.**

а) Ишнинг назарий қисми бўйича

1. Асосий турдаги электр ускуналар учун кучланишнинг рухсат этилган оғишлари қандай ва кучланиш оғишини чеклаш зарурлигининг асосий сабаблари нимадан иборат?

2. Пасайтирувчи подстанциянинг 6-10 кВ ли шинасида кучланишни қарама-қарши қонун ёрдамида созлашнинг маъноси ва мазмуни нима?

3. 35-220/6-10 кВли пасайтирувчи подстанцияларда кучланишни созлаш воситаларини санаб ўтинг. Ушбу воситалар ёрдамида кучланишни созлашни техник имкониятлари ва уларнинг асосий техник иктисадий кўрсаткичлари қандай?

4. Электр системасида реактив қувватнинг тенглик шароитлари қандай ва кучланишнинг қандай шароитида бу тенглик таҳлил қилиниши керак?

5. Тармоқда реактив қувват тенгликни созловчи воситалар қандай? Бу воситаларни қўллаш тармоқдаги кучланишни созлашга қандай таъсир этади?

б) Стенднинг иши бўйича

1. Бу ишда моделлаш масштаблари қайси нуқтаи назардан танланади?

2. Нормал ҳолатдан шикастланишдан сўнгги ҳолатга ўтиш қандай амалга оширилади?

3. Реактив қувватни компенсациялаш жараёни қандай кетма-кетликда амалга оширилади?

4. Подстанциянинг ПК шинасида кучланишнинг керакли қиймати қандай қилиб ўрнатилади?

Тажриба ишига вазифа жадвали

№	Линия		трансформатор		Юклама кувватти		K <sub>тр</sub>	
	марка	Узун- лиги, км	кувват, мВА	Кучла- ниш, кВ	мВА	Cosφ	K <sub>тпк=+10%</sub>	K <sub>тиок=± +5%</sub>
1	AC-95	85	2x32	110	40	0.85		
2	AC-120	70	2x63	110	75	0.9		
3	AC-185	100	2x100	220	75	0.95		
4	AC-240	120	2x80	220	65	0.9		
5	AC-150	60	2x40	110	30	0.85		
6	AC-300	140	2x100	220	85	0.9		
7	AC-120	100	2x40	110	65	0.85		
8	AC-400	100	2x80	220	75	0.9		
9	AC-240	75	2x63	220	65	0.85		
10	AC -240	100	2x100	220	75	0.85		
11	AC-95	50	2x32	110	30	0.85		

**Информацион услугбий таъминот  
Асосий адабиётлар.**

- 1.Идельчик Б.И. Электрические системы и сети. М: Энергоатомиздат 1989 г,592 с
- 2.Блок В.М. Электрические системы и сети. М:Высшая школа,1986 г,430 с
- 3.Электрические системы.1,2 Электрические сети.Под.ред В.А Веникова  
М:Высшая школа,1981 г,438 с
- 4.Солдаткина Л.А. Электрические системы и сети.М:Энергия 1978 г
- 5.Боровиков В.А,Косарев В.К,Ходот Г.А. Электрические сети энергетических  
систем.Л:Энергия 1977 г,391 с
- 6.Электрические системы и сети.Под ред.Г.И Денисенко,Киев,1986 г
7. Строев ВА. Электрические системы и сети. Учебник.-М., «Высшая школа», 512 с. 1998 г.
8. Электротехнический справочник: Т.3. Производство, передача и распределение электрической энергии. /Под общ.ред.профессоров МЭИ.-М.: Издательство МЭИ, 2004, 964 с.
9. Гойибов Т.Ш. Электр тармоқлари ва тизимлари. Мисол ва масалалар тўплами . /ПодЎкув қўлланма.-Т.: ТошДТУ, 2006.

**Қўшимча адабиётлар**

- 1."Электр тармоқлари ва системалари" фанидан тажриба ишларини бажариш учун методик кулланма. Ташкент:ТашПИ 1991,40 б.(Т.Ш Гайибоев,А.М Мирбабаев)
2. Шайматов Б.Х. «Электр тармоқлари ва тизимлари» фанидан назорат ишлари ва курс лойихасини бажариш учун ўқув-услубий қўлланма. Навоий 2005й.
3. Боровиков В.А., Косарев В.К., Ходот Г.А-Электрические энергетические системы.-Ленинград, Энергия ., 1977
4. Каримов Х.Г., Таслимов А.Д., Мамарасулова Ф.С.-Электр тармоқлари, тажриба ишларини бажариш учун методик қўлланма. Тошкент, ТошДТУ, 2004.
5. Электрические системы и сети в примерах и иллюстрациях. Учебное пособие для вузов, В.В.Ежнов, Г.К.Зарудский, Э.И.Зуев под.ред. Строева В.А. М., «Высшая школа», 352 с, 1999г.
6. Сайт: [www.energystrategy.ru](http://www.energystrategy.ru)
7. Сайт: [www.uzenergy.uzpak.uz](http://www.uzenergy.uzpak.uz)

# **МУНДАРИЖА.**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>1 - ТАЖРИБА ИШИ</b>	
Электр системасининг ўзгармас ток модели (хисоблаш столи).	
шахобчаланган махаллий электр тармоғининг иш ҳолатларнда қувват оқими тақсимланишини аниқлаш.....	4
<b>2 - ТАЖРИБА ИШИ</b>	
Ўзгармас ток хисоблаш столи ёрдамида мураккаб ёпиқ бир турли тармоқда қувват оқими тақсимланишини аниқлаш.....	17
<b>3-ТАЖРИБА ИШИ.</b>	
Электр системасининг турғун иш ҳолатини ўзгарувчан ток моделида хисоблаш.....	35
<b>4-ТАЖРИБА ИШИ</b>	
Оддий берк 110/220 кв ли электр тармоғининг турғун ҳолатини ўрганиш.....	41
<b>5- ТАЖРИБА ИШИ</b>	
110; 220 кВ ли район электр тармоқларида кучланишни ва реактив қувват балансини ростлаш.....	47
<b>IX.Информацион услугбий таъминот.....</b>	<b>53</b>
<b>X.Мундарижа.....</b>	<b>54</b>